



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 13 апрель, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 28 (7431)

ФАН — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Фан тараққиётга хизмат қилсин.

И.КАРИМОВ

Жамиятнинг равнақи азал-азалдан инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлган илм-фан ютуқлари, уларни ҳаётга фаол тадбиқ этилишига бевосита боғлиқ бўлиб келган. Ўзининг буюк келажигини кўрмоқчи ва кўрмоқчи бўлган халқлар уни фан равнақисиз тасаввур этолмайди. Шунинг учун илм-фаннинг ривожланишига, уни молиявий жиҳатдан таъминлаш, эркин ривожланиб бориши, илмий тадқиқот ишларини тўғри рағбатлантириш, ташкил этиш, илмий салоҳиятни доимо юксалтириб

боришнинг янги имкониятларини яратиш бозор муносабатларининг ўзига хос талаби ҳамдир.

Юртбошимизнинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз” асарларида маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурмати-ни тиклаш каби мустақиллик

йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги бо-сқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш эканлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шунингдек, бу вазифани амалга оширишда ҳар қайси

ижтимоий

тоифа ва

қатламнинг


ўзига хос ху-

сусиятларини инobatга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас амалий ишлар билан маънавиятни шакллантириш; натижада иймон-этиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш; Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айлан-тириш миллий

қадриятларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштириш ва одамлар тафаккурига сингдириш-олимларимиз, илмий жамоатчиликнинг долзарб вазифаси бўлиб қолиши; оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги маъқеини янада юксак даражага кўтариш; миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачигидек асраш кераклиги; кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш каби устувор йўналишларни ҳам кўрсатиб берган эдилар.

(Давоми 3-бетда)

Bir Farmon hikmati



ИСТЕЪДОДЛИЛАР

Халқ таълими вазирлигининг Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази, Республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон “Ёш киновидеооҳаваскорлар жамияти” ҳамкорликда навбатдаги Республика ўқувчиларининг Кино-фото фестивалини ўтказди. “Сехрли ёғду” номи остида 3 кун давом этган бу анжуманда барча вилоят голиблари яна бир бор ўз билим ва маҳоратларини, ўзлари тайёрлаб келган кино ва фото лавҳаларини тенгдошлари ва ташкилотчилар олдида намойиш этдилар.

Республика киночилар уйида кино йўналиши бўйича иштирокчилар яратган асарларнинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Республика ўқувчиларининг “Биозко-сан” ўқув мажмуасида бўлиб ўтган иккинчи гуруҳ иштирокчилари фото йўналиши бўйича иш олиб бордилар. Ҳаётини ўз кўзи билан илғаб, суратда акс эттирган болалар анжуманида ҳайратланиш ҳукмрон бўлди.

Республика киночилар уйида бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида Республика

техник ижодиёт маркази директори Толиб Қорабоев, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси Ботир Убайдуллаев голибларни табриклади.

Кино йўналиши бўйича Гран-при бухоролик Шоҳоб Шариповга насиб этган бўлса, мустақил Ўзбекистон мавзуси бўйича Обид Солиев (Тошкент шаҳри), маънавият ва маърифат бўйича Жамшид Даминов (Андижон вилояти), мактаб мавзуси бўйича Алексей Слозьёв (Тошкент шаҳри), эркин мавзуда Сарвар Жўраев (Қашқадарё вилояти) биринчи ўринни эгал-

ФЕСТИВАЛИ

лашди.

Фото йўналиши бўйича мустақил Ўзбекистон мавзусида Эркин Рўзимбетов (Қорақалпоғистон Республикаси), табиат мавзусида Қажрамон Хурсанов (Самарқанд вилояти), мактаб ҳаёти мавзусида Шухрат Пухтаев (Бухоро вилояти), спорт йўналишида Азиз Тошметов (Тошкент шаҳри) голиб деб топилди.

Анжуман қатнашчилари Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар — “Болалар” жамғармаси, Халқаро Ш.Рашидов жамғармаси, “Туфин” кўшма корхонаси ҳам ўқувчиларни муносиб мукофотлади.

Шерзод АХМАТОВ,
“Маърифат” муҳбири

Суратларда: анжуман иштирокчиларининг ижодидан намуналар.

БАЙРАМ
ОЛДИ
ТАРАДДУДИ

2-бет

ФИЗИКА
ФАНИНИ
ЎҚИТИШ
ТАЛАБЛАР
ДАРАЖАСИДАМИ?

4-бет

ИЛК УСТОЗИМ
ҲАМОН
ЁДИМДА

5-бет

ДАРСЛАРДА
МУАММОЛИ
ВАЗИЯТ
ЯРАТИШ

6-бет

УЛФАТЧИЛИК
ИБРАТИ
Ёхуд ўғлингиз давра
кўрганми?

7-бет

БОЛАЛИККА
ЖУРЪАТ ВА
ТАФАККУР
БАХШ ЭТАДИ

9-бетлар

БАЛТИМОР
ДЭЙВИД

13-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Келгуси ҳафта
теледастурлари
билан танишинг!

14-бет

КЎЧМА КУБОК
ТОШКЕНТДА
ҚОЛДИ

15-бет

“МАТЕМАТИКА”
КРОССВОРДИ

16-бет



Мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг қарийб 2 минг нафарга яқин энг сара ва энг ажир ўқувчилари ўз маҳоратларини синаб кўрадиган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг якуний — республика босқичининг очилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ана шу муносабат билан Фарғона вилоятининг спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган шаҳар ва туманларида, "Умид ниҳоллари" машъаласи тантанали суръатда олиб ўтиладиган манзилларда кенг камровли қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Кун кеча Фарғонада бўлиб ўтган тезкор амалий йиғилиш мазкур тadbирга тараддуд кўриш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Халқ таълими вазирлиги, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ташкилий кўмитасининг раиси Р.Жўраев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Очилов, Ўзбекистон Республикаси Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг раиси А.Абдуқаҳҳоров, ташкилий кўмитанинг бошқа аъзолари, шунингдек, спорт мусобақалари ўтказиларидиган шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда ҳимий ташкилот раҳбарлари қатнашдилар.

Ташкилий кўмита аъзолари дастлаб Фарғона, Тошлок, Қирғули туманларида, Марғилон ҳамда Фарғона шаҳарларидаги мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган жойларни кўздан кечирдилар. Шунингдек таъкидлаш жоизки, ушбу мутасадди раҳбарлар қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш

ишлари давом эттириладиган бинолар, майдонлар ва олимпия шаҳарчаларидаги ҳар битта деталга алоҳида эътибор қаратдилар.

Бугунги кунда Фарғона шаҳри марказидаги "Нефтчи" ўйингоҳи қайта қурилаяпти. Унинг қурилиши охирига қадар 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланади. Бундан ташқари, қолган жойлардаги таъмирлаш ва безатиш ишларининг ҳар бири деярли миллион сўмлик сарфхаражатни ташкил этади. Шаҳар ва туманлардаги спорт иншоотларда одамлар ҳашар усулида 2 ва 3 сменада ишляпти. Мақсад — белгиланган вазибаларни тез ва сифатли бажаришга эришиш. Ишларнинг боришида тезкорлик ва сифат бор, аммо кузатувлар жараёнида айрим оддий, баъзан эса жиддий камчиликлар ҳам

учун асослар бор. Бу, аввало, ҳукуватимиз томонидан фарғоналикларга билдирилган юксак ишонч бўлиб, Фарғона халқи эса, ўз навбатида, бундан ўзгача катта масъулият сезаяпти. Шунингдек, Фарғонада катта йиғинлар, мусобақалар, байрамона тadbирларни ўтказиш борасида тажриба ҳам орттирилган ва спорт базаси ҳам етарли.

Мутахассислар томонидан "Умид ниҳоллари" машъаласи олиб ўтиладиган манзилларнинг харита ва схемаси тузилиб, ташкилий кўмитага тақдим этилган. Унга кўра, машъала Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Физика — Куёш" илмий ишлаб чиқариш марказида ёндирилиб, Фарғонага йўл олади. Фарғона вилояти ҳудудлари эса Қамчиқ довонидан сўнг Чағали ДАН масканидан бошланади. Фарғона-

мехмонларни кутиб олиш ва кузатиш учун мавжуд имкониятлар ҳақида фикр юритдилар.

Бугунги кунда вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати биносида "Умид ниҳоллари" штаби тузилган ва у кечаю кундуз фаолият кўрсатаёпти. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳеч бири муаммосиз ишлашлари ва тегишли маълумотларни тезкор равишда олишлари учун яратилган ахборот Марказида ҳам қулайликлар мавжуд.

Шунингдек, иштирокчи ўқувчиларнинг Фарғонага етиб келишлари масаласи ҳам мажлисда атрофлича муҳокама этилди. Режага кўра, Нукус-Марғилон ва Термиз-Марғилон йўналишидаги 2 та махсус поездлар белгиланган кунга йўлга чиқади. Спортчи ўғил-қизлар

ишлаб чиқариб, уларнинг савдосини ташкил этиш борасида маслаҳат берилди. Ана шунда одамларда байрам кайфияти пайдо бўлади. Бугунги қилинаётган ишлар натижаси — ободончиликни кўрган бола ўзининг қелажаги буюк юрдада яшаётганлигини яна бир қарра ҳис қилади.

Мусобақа ғолибларини ажойиб совғалар кутаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Умумий ҳисобда 1-ўринни эгаллаган ғолиб жамоага "Дамас" автомашинаси, 2-ўринга компьютер, 3-ўрин соҳибига ксерокс нуска кўчирувчи аппарати мукофот сифатида берилди.

Шу ўринда яна бир фикр. Оммавий ахборот воситаларида таъкидланишича, ҳозир Россияда ҳам мана шундай мусобақаларни ташкил этишга киришилди. Уларда бундай мусобақа оммавий спортни ривожлантириш муаммоси сифатида кун тартибига кўйилаяпти. Ўзбекистонда эса доимий ҳаракатдаги уч босқичли оммавий спорт тизими аллақачон яратилган бўлиб, 2000 йилдан амалга оширила бошланди. Бунга 2000 йили Наманганда бўлиб ўтган олий ўқув юрлари талабаларининг илк "Универсиада" мусобақалари, 2001 йили Жиззахда республика ўМКХТ тизимидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирокидаги илк "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ва ниҳоят бу йил Фарғонада ташкил этилаётган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг ўтказилиши ёрқин мисол бўла олади.

Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, дунё мамлакатларида ўқувчи, талаба-ёшларнинг турли спорт мусобақалари мавжуд, аммо ўсмирлар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий равишда жалб этишнинг бундай уч босқичли узлуксиз тизими дунё тажрибасида кузатилмаган. Шу боис тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, бундай механизмга илк мартаба Ўзбекистонда асос солинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

БАЙРАМ ОЛДИ ТАРАДДУДИ

кўзга ташланиб қолди. Ташкилий кўмита гуруҳи ана шу камчиликларни тез фурсатда, яъни 16 апрелгача тугаллаш вазифасини кўйди. Очигини айтганда, ялпи вазибаларнинг бажарилиши қарийб 20 апрелгача давом этадиганга ўхшайди. Чунки, биринчидан, "Нефтчи" ўйингоҳини тadbирга тайёрлаш учун ҳали олдинда бажарилиши лозим бўлган юмушлар, жумладан, пардозлаш ишлари кўп. Ҳолбуки, мусобақаларнинг 5 минг ўқувчи қатнашадиган очилиш ва ёпилиш тантаналари мана шу 25 минг кишига мўлжалланган ўйингоҳда ташкил этилади. Тайёргарлик муддатининг хиёл чўзилишига иккинчи сабаб, мўлжалланган ишлар графикдан 5-6 кун ортада қоляпти. Боиси, иншоотларни тайёр ҳолга келтиришда аввало сифат масаласига урғу берилаяпти.

Республика Президенти ташаббуси билан "Умид ниҳоллари" спорт байрамининг айнан Фарғонада ташкил этилиши

лик спортчи ўқувчилар машъалани шу ердан 5 та шаҳар ва туманни, жумладан, 20 та аҳоли пунктини оралаб, "Нефтчи" ўйингоҳига қадар 110 километр масофада кўлларида кўтариб ўтишади.

Ўқувчилар мазкур спорт мусобақаларида спортнинг 11 та тури бўйича ўзаро куч синашадилар. Мусобақалар учун шаҳар ва туманлардаги энг нуфузли ҳисобланган 15 та спорт иншооти ажратилган. Футбол, теннис ўйингоҳларида, спорт мажмуаларида спортчилар ва томошабинлар учун ҳамма шароитлар яратилган.

Мажлисида ташкилий кўмита томонидан кўйилган вазибаларнинг мухтасар ижролари тўғрисида ҳисоботлар тингланди. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги ўринбосари У.Мусаев, Фарғона шаҳар ҳокими Р.Болтабоев, Фарғона тумани ҳокими О.Мадумаров, Марғилон шаҳар ҳокими А.Акрамов, Тошлок тумани ҳокими К.Комиловлар


ўзларининг мураббийлари раҳбарлигида Марғилон шохбекатида тушиб, автобусларда ўзлари жойлашадиган манзилларга етказилади.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари — жуда катта ва нуфузли байрам. Буни тadbир ўтказилишига кўриладиган тайёргарлик, сарфланаётган маблағ ва ҳукуват даражасидаги раҳбарлик ва ғамхўрликдан билиб олса бўлади. Президент маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўз маърузасида таъкидлаганидек, бу борада қилинаётган ҳаракатлар ва ҳаракатлар нафақат мусобақа ўтказишга, балки аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳам қаратилган. Шундай экан, шаҳарнинг жамолини очиб, унинг оқшомги кўринишини илғор андозаларга мос равишда яхшилаш учун пойтахтимиздаги каби сифат ва дид масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, йиғилишда мусобақа байроқчалари, кўкрак нишонлари, эсдалик буюмларини тезроқ

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонуни матбуотда эълон қилинди.

SO'NGGI UCH KUN MUJ DALARI



бўйича дастурларни амалга ошириш чора-tadbirlari тўғрисидаги Фармони ҳамда "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурининг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасида Ижтимоий мажмуа таркибига қирувчи вазирлик ва идораларда жорий йилнинг биринчи чорагида ижтимоий ислохотларнинг бориши, мамлакат Президентининг жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш чора-tadbirlari тўғрисидаги Фармони ҳамда "Қарияларни қадрлаш йили" давлат дастурининг бажарилишига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАКЛИФЛАР ҲАМ БАЁН ЭТИЛДИ

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига етказиб бериш учун ўқитувчиларнинг ўзи ҳар томонлама чуқур билим ва тажрибага эга бўлиши керак. Бу борада таълим муассасалари раҳбарлари, барча ўқитувчилар ҳам кенг тушунчага эга бўлиши зарур. Ана шу мақсадда Жиззах вилояти урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари,

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани ўқитувчилари синовдан ўтказилди.

Худди шу талабдан келиб чиқилган ҳолда эндиликда барча ўқитувчилардан ушбу фан бўйича иншо олинмоқда. Жиззах педагогика ва 2-касб-хунар коллежи ҳамда академик лицей ўқитувчилари ана шундай синовдан ўтдилар. Унда ҳар бир ўқитувчи алоҳида-алоҳида мавзулар бўйича фикр ва му-

лоҳазаларини дафтарга туширдилар. Шуниси эътиборга моликки, унда ўқитувчилар бу фанни янада қизиқарли қилиб ўтказиш учун ўз таклиф ва истакларини ҳам баён этишган. Бундай қимматли таклифлар келгусида миллий истиқлол ғоясини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда ижобий натижа бериши, шубҳасиз.

Абдусаттор СОДИКОВ

УНИВЕРСИТЕТНИНГ АМАЛИЙ ЁРДАМИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, УМКХТ Маркази ҳамда мазкур университетнинг ҳамкорлигида амалий семинар ташкил этилиб, унда мамлакатимиз таълим тизимининг урта бугини учун малакали педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланган ТДПУ профессор-олимлари, УМКХТ ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, ушбу университет билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаган академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагог ходимлари иштирок этишди.

Семинарда Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, академик С.Ғуломов олий ўқув юртининг академик лицей ва касб-хунар коллежларида курсатиши мумкин бўлган амалий ёрдами ҳақида, УМКХТ Маркази раҳбари, профессор Ж.Хусанов мазкур тизимдаги таълим муассасаларида янги педагогик технологияларни жорий этишда ОУЮларининг ўрни хусусида

фикр билдирдилар.

Низомий номидаги ТДПУ ректори, профессор Б.Қодиров, университетнинг академик лицей, касб-хунар коллежлари ва маркетинг хизматлари бўйича биринчи проректори А.Абдуқодиров ҳамда университетда янгидан ташкил этилган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик Марказининг бошлиғи А.Абдуразазоқовлар ТДПУнинг урта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига айна пайтда курсатиладиган амалий ёрдамлари, педагогика ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси ва ундаги таълим-таҳсил технологияси, мутахассис тайёрлаш сифатини барқарорлаштириш асослари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Баҳс ва мунозараларга бой бўлган мазкур семинар якунида иштирокчилар ТДПУнинг музейлари, марказлари, факультетлари, лабораториялари фаолиятлари билан танишиб, кафедраларда ташкил этилган учрашувларда қатнашдилар.

Нурлан УСМОНОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борада республикада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Илм-фан ривожига мамлакат миқёсида алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида" (2002 йил 20 феврал) даги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги (2002 йил 4 март) Қарори фикримизнинг далилидир.

Бу мамлакатимизда илмий тадқиқот ишларига бўлган эътибор давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида эканлигини англатади. Бу йўналиш бугунги кунда янги тарзда ёндошувга, илм-фан ривожини рағбатлантириш учун, унинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ҳаётий аҳамият касб этиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ха, мамлакатимизда илмий-тадқиқот фаолиятидаги мавжуд эскича тамойиллардан воз кечиш, янги тузилмаларни ташкил этиш йирик илмий дастурларнинг яратилиши учун пухта замин ҳозирлаш, илмий тадқиқот фаолиятини ташкилий жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илмий салоҳиятни оширишга кўмаклашиш муҳим стратегик йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Илмий-тадқиқот ишларини моддий рағбатлантиришнинг танлов, гранд усулига ўтиш ижтимоий-гуманитар дастурлардан амалий аҳамиятга молик тадқиқот ишларини танлаб олиш имкониятини беради. Шунингдек, энг иқтидорли, талантли, қобилиятли олимларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланишга ҳамда рағбатлантиришга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Ижтимоий гуманитар илмий-тадқиқот ишларида эришилган ҳар бир янгиликнинг салмоғи унинг мамлакатимиз маънавий янгиланишига келтираётган фойдасига қараб белгиланади. Шу боис, ҳар бир ижтимоий фаннинг жамият равнақига хизмат қилишига йўналтирилганлиги, ҳаёт-билан боғлиқлиги ўта муҳим. Бу тамойилни тўлиқ амалга оширишда бундан кейин илмий-тадқиқот фаолиятининг Вазирлар Маҳкамаси қошида ташкил этилган Мувофиқлаштирувчи Кенгаш орқали амалга оширилиши айна муддао бўлди.

Президентимизнинг Фармони ана шу ишларни яна бир марта қайта таҳлил ва таҳрир қилишни, такомиллаштиришнинг янги босқичга кўтаришни тақозо қилади. Натижада ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ва уларнинг илмий-амалий хулосаларидан амалда фойдаланувчи маънавият ва маърифат ҳам такомилнинг янги босқичига кўтарилди, юксалади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, яъни Юртбошимиз ибораси билан айтганда **"биринчи навбатда куйидаги масалаларга аниқлик киритиш керак: биз қайси ишларни қилишга улгура олмадик?"**

Тараққиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда?

Биз ҳали фойдаланмаётган яна қандай имкониятлар мавжуд?" шаклида аниқлаб олишимиз керак.

Илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишлари белгиланиб, соҳалар бўйича танловга амал қилиниши ҳар бир тадқиқотчига, илмий жамоа ва илмий текшириш институтларига бир хил имкониятларни беради.

Қарорда олимларимиз салоҳияти, фидокорлигини уйғотувчи самимий давват ва моддий рағбат уфуриб туради. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қарор Юртбошимизнинг **"Фан тараққиётга хизмат қилсин!"** деган шиорлари рўёбига қаратилган навбатдаги тарихий қадам бўлди.

Мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифаларида илмий-тадқиқот фаолиятини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтириш белгилаб қўйилди. Шу сабабли дастурларни жамиятнинг уйғун маънавий юксалиш манфаатлари устуворлиги тамойилларидан келиб чиқиб белгилаш қатъий таъкидланди. Шу сабабли ҳуқуқий, миллий, тарихий, замонавий,

умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида жамиятни маънавий янгилаш Кенгашининг асосий йўналишлари орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Янгиликнинг яна бир фазилати — унинг жонкуяр, изланувчан олимларни изчил, янада қўллаб-қувватлашга қаратилганлигида. Шу сабабли, "инновацион гоьларни яратувчи, жаҳон илм-фанидаги истиқболли тенденцияларни доимий равишда кузатиб боровчи ва уларни мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш учун жамловчи истеъдодли олимларни қўллаб-қувватлаш тизими" яратилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Пировард натижада эса бу — тарихийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик, назария ва амалиёт, тафаккур ва технология орасида мутаносибликни такомиллаштиради.

Бундай ажойиб имконият ва рағбат "Фан тараққиётга хизмат қилсин!", деган эътиқод билан изланаётган олимларимизни янада қанотлантиради. Демак, энди ҳар бир ижтимоий-гуманитар илмий-техникавий дастурни тузиш ва муҳокама қилишда "Шу дастур натижалари жамият маънавияти олдида турган қайси муаммони ҳал қилади?", "Натижа қандай ка-

ФАН — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

фолатланади?", "Дастурда кўзда тутилган мақсад билан унинг натижаси бирлигини қандай назорат қилиш мумкин?" деган принципиал саволларга жавоб олинади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар - инсониятнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантирувчи ва қондирувчи асосий омилдир. Афсуски, собиқ шўро даврида маънавият ва маърифатга, жамиятнинг илмий билимларини муттасил ошириб боришга эътибор берилмади. "совет одами", "совет характери", "Коммунистик дунёқараш", "совет миллати" манфаатларидан келиб чиқиб, юзлаб миллатларнинг маънавий қадриятлари изчил поймол қила борилди. Афсуски, бу йўлда анча ишларни қилишга ҳам улгуришди. Демак, бугун ижтимоий-гуманитар фанлар ва маънавий-маърифий ишлар олдида мана шу йўқотилган қадриятларни тўла тиклаш вазифаси турибди.

Зеро, инсониятнинг, давлат ва жамиятнинг фан орқали ечиб бўлмайдиган муаммоси йўқ. Агар ҳозирча инсоният, давлат, миллат олдида ечилмай турган муаммолар бор бўлса, бунга сабаб ўша муаммоларнинг махсус илмий объектга айланрилмаганлигида. Инсоният тарихида йўл қўйилган хатолар, зиддиятлар, урушлар — муаммони илмий асосда (оптимал) ечилмаганлигида. Аввал тафаккурда "етти марта ўлчаб, бир кес"илмаганлигида.

Афсуски, бу залолат ҳали ҳам айрим минтақаларда давом этмоқда. Демак, чора қидирилмаса шундай бўлиб қолаверishi мумкин. Ана шунинг учун ҳам Пайгамбаримиз Муҳаммад С.А.В "Илмни нақл қилувчилардан бўлмагaysиз, илмга амал қилувчилардан бўлингиз", деган ҳадисни марҳамат қилганлар. Алихонтўра Соғуний ҳазратлари: "Ҳар ишни илм ила таҳқиқ қилиш"ни васият қилган. Ёки академик Патон сўзи билан замонавий қилиб айтганда, "Илмий натижа технологияга жорий қилинсагина жамиятга хизмат қила бошлайди".

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан ижтимоий-гуманитар фанларни ҳам ривожлантиришга қаратилган улкан имкониятлар яратилди. Бу табиий эди. Чунки биз бир тизимдан иккинчисига, бир тафаккур тарзидан иккинчи тафаккур тарзига ўтиш даврида айнан шундай қилиш керак эди ҳам. Ижтимоий-гуманитар фанлар — маънавият ва маърифатнинг манбаи, озуқасидир. Ўзбекистонда маънавият

ва маърифат давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, шу жабҳани ўрганувчи ва ўзгартирувчи фанлар ҳам ривожланиши керак эди. Шу сабабли маънавият мавзуси инновация илмий-техник дастурларининг устувор йўналишига айланди. Бунинг натижаси ўларок, маънавий-маърифий ишлар эмпирик даражадан илмий-технологик даражага кўтарилмоқда. Ушбу ҳужжат ана шу улуг, хайрли ишларни янги, юксак босқичга кўтаради. Талабни ҳам. Шу сабабли ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий тадқиқот дастурларига талаблар ҳам янгиланади. Жумладан, ижтимоий-гуманитар тадқиқотларнинг ҳаётга мукамал яқинлиги; технологик таъминланганлиги (қуруқ насихат, яхши гаплар йиғиндиси бўлмаслиги, эски фикрларни янги либос кийдириб кўрсатмаслик ва ҳ.к.); жамиятни дунёнинг энг фозил, тадбиркор, меҳнаткаш, иродали, демократик, ижодкор, мутараққий миллатига айлантиришга фойдалилик даражаси инобатга олинади.

Демак, миллатнинг маънавий юксалиши натижаси ўларок, унинг ўз кучи, имконияти билан қурайдиган Буюк келажак мустаҳкам ишончи кучаяди. Маънавий салоҳияти юксак миллат Буюк Ўзбе-

кисонни қуради. Бу эса жаҳоннинг ўзбекларга ишончи, ихлоси, ҳавасини янада оширади. Бунинг учун Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари ўрганадиган объект: махсус бўлмаслиги, яъни Ўзбекистонда туғилган, яшаётган, яшайдиган Инсон, жамият ва унинг тафаккури бўлмоғи керак. Чунки биз бутун инсониятнинг барча муаммоларини ҳал қила олмаимиз. Аввал ўз халқимизни энг фаровон ва баркамол миллатларидан бирига айлантирамиз. Бошқа давлат олимлари ҳам ана шу ватанпарвар-прагматик тамойил асосида изланмоқдалар. Шу тариқа Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари миллий тараққиётнинг **"Инсон омили"**ни ўрганиб, ўзгартириб, маънавий янгилаб, кучайтиради. Демак, Ўзбекистонимизда сиёсий, ижтимоий-гуманитар фанлар жамиятга Президент Ислам Каримов асослаб берган стратегия асосида Буюк Ўзбекистонга элтувчи реал маршрутларни тушунтириб, у ҳақда янги билимлар беради. Бу йўлда учровчи муаммоларни ўрганиб, тез ва соз ҳал қилишда янги имкониятларни кашф этади. Миллатнинг Буюк келажакимизга ишончини мустаҳкамлайди, тарбиялайди. "Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур" (Абдулла Авлоний).

Завод, фабрика икки ҳолатда самарали ишлаши мумкин: биринчиси — асбоб-ускуналарининг эскисини чиқариб ташлаб, янгиларини ўрнатиш; иккинчиси — эскиларини таъмирлаш. Икки йўлни ҳам нисбатан тез амалга ошириш мумкин. Лекин инсон омили бошқача. Бир мамлакатнинг инсон омилни четдан олиб келиб бўлмайди. Ўз одамларимиз билан, ўз ақлимиз, қўлларимиз билан ўз келажакимизни қуришимиз керак.

Фан ва илмий муассасалар маънавий юксалишимизда, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда ўта муҳим ўрин тутуди. Бу борада "Миллий истиқлол гоьяси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласида қатор масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги белгиланган. Булар: Миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришнинг самарали йўлларини тадқиқ қилиш; турли фанлар бўйича миллий истиқлол мафкурасини бойитишга бағишланган тадқиқотлар олиб бориш; Мафкуравий жараёнлар мониторинги мафкуравий курашнинг умубашарий ва минтақавий муаммоларини аниқлаш; Мафкуравий тазйиқларга қарши курашнинг самарали йўлларни ишлаб чиқишдан иборат. Бу йўлда узоқни кўзлаган истиқболли тадқиқотлар бошланган, методологик билимлар банки шаклланмоқда ва улар асосида қўлга киритилган натижалар, услубий тавсиялар жорийлаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугун Ўзбекистонда адолатли, кучли демократик фуқаролик жамиятини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуришда илм-фан муҳим ўрин тутуди. Унинг равнақисиз маънавий ислохотлардан кўзда тутилган буюк мақсадларга эришимиз муддати чўзилиб кетиши мумкин. **Иккинчидан**, илмий тадқиқот фаолиятини янада такомиллаштириш жамият маънавий ҳаёти муаммоларини ўрганиш ва такомиллаштиришнинг танлов, грантлар асосида амалга оширилиши, фан соҳасини эркинлаштиришга, энг қобилиятли, иқтидорли олимларнинг янги авлодини шакллантиради. Фундаментал ва амалий фан соҳаларини ривожлантиради. Бу орқали эса жамият маънавий юксалиши учун янги имконият ва илмий рақобат муҳитини яратади; **учинчидан**, бу ижтимоий-гуманитар фанлар олимларининг фан ва таълимнинг барча соҳалари бўйича илмий тадқиқот ишларида, дастурларда иштирок этишларини рағбатлантиради. Бу — ҳақиқий талантларни, илм-фан фидойиларининг янги авлодини яратиш, орзуларини рўёбга чиқаради. Улар ўзлари яратган илмий изтироларнинг ҳақиқий эгасига айланадилар. Миллат равнақига ўз хиссаларини қўшишдан ҳам маънавий, ҳам моддий манфаатдор бўладилар.

Ўзбекистонда илмий тадқиқот фаолиятидаги бундай такомил тадбирлари, бир томондан, ижтимоий-гуманитар фан соҳасининг энг иқтидорли қатламини ҳам пайдо қилади. Бу эса, иккинчи томондан, у ёки бу соҳадаги маънавий-маърифий муаммонинг тез, пухта ва соз ечилишига хизмат қилади. Шу тариқа ўзбек фани бизнинг Буюк келажакни яратиш суръатимизни янада тезлатади.

Хуллас, азиз фан аҳли, Юртбошимиз сўзларидан фойдаланиб айтадиган бўлсак, **"Ишлаш, илмий ижод замони келди!"**, деб айтиш мумкин.

М. ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор,
И. ЭРГАШЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида Шаҳрихон тумани умумий ўрта таълим мактабларида Давлат таълим стандартлари асосида физика фанини ўқитишни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Кун тартибидagi масала юзасидан Шаҳрихон тумани халқ таълими бўлими мудирини М.Мирзаев ва Республика Таълим маркази директорини Г.Алимова ахборот бердилар.

Ҳайъат мажлисида кейинги қатор йиллар давомида Республика ўқувчиларининг физика фани бўйича билим сифати ва самарадорлиги талаб даражасидан паст эканлиги таъкидланди. Маълумотларга қараганда, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг физика фани бўйича Республика олимпиадасининг якунловчи босқичида йиққан баллари 100 баллик имкониятдан: 2000 йилда ўртача 52,7 балл, 2001 йилда 54,6 балл, 2002 йилда эса 69,3 баллни ташкил этган. Кейинги уч йил ичида ўқувчиларимиз физика фани бўйича Халқаро олимпиадаларда бирорта совринли ўринни эгаллай олмаган. Давлат Тест маркази маълумотларига кўра, физика фанидан таълим самарадорлиги Республика бўйича 1999 йилда 28,96; 2000 йилда 28,31; 2001 йилда 28,48 фоизни ташкил этган.

Мазкур фанни ўқитишдаги юзага келган аҳволнинг сабабларини аниқлаш мақсадида режа асосида Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги мавжуд 51 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та физика-математикага, битта кимё-биология фанига ихтисослашган мактаб фаолияти ўрганилди.

Сирасини айтганда, туманининг барча мактаблари физика фани бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар билан тўлиқ таъминланган. Мактаб ўқувчиларининг физика фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши етарли ва ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан 65-75 фоизни ташкил этган.

Тумандаги мактабларнинг 33 тасида ўқув ва лаборатория хоналари, 21 тасида эса ўқув хоналари мавжуд бўлсада, мактабларнинг физика фани хоналари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, кўрсатмалли қўлланмалар билан таъминланиши етарли эмас. Тумандаги 17, 22, 28-мактабларнинг физик асбоб-ускуналар

билан жиҳозланганлик даражаси қарийб 70 %ни ташкил этган бўлса, 14,20,46-мактабларда жиҳозланганлик даражаси 30 % атрофидадир.

2002 йил январ ва март ойларида Республика Таълим маркази, вилоят халқ таълими бошқармалари томонидан туман умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг физика фани бўйича билим даражалари тест синовлари асосида ўрганилган.

Январ ойида ўтказилган тест синовлари синфлар кесимида таҳлил қилинганда 6-синфларда ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги 52,3 %, 7-синфларда 55,6 %; 8-синфларда 57,7 %; 9-синфларда 56 %, 10-синфларда 58,2%, 11-синфларда 54,6 % ни ташкил этган.

Мавзулар кесимида таҳлил қилинганда, 6-синф ўқувчиларининг "Физик катталар", "Физик бирликлар" ва масалалар ечиш бўйича, 7-синф

ўқитувчининг кириш тестлари ўрганилганда самарадорлик 2001 йилда 46,9% ни, 2002 йилда 49,3 % ни ташкил этган холос. Тест таҳлиллари шуни кўрсатдики, ўқитувчилар "Айланма ҳаракат динамикаси", "Электромагнит тебранишлар", "Квант физикаси ва тўлқинлар оптикаси"га оид масалаларни еча олишмаган.

Республика Таълим маркази таҳлиллари асосида Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, туман Халқ таълими бўлими физика фанини давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқитишни такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар белгилади.

Ҳомийлар томонидан мактабларга физика кабинетларини таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 2,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Туман ташкилотларининг

мий ўқишлар ташкил этилди.

Туман мактабларида физика фанини ўқитиш жараёнида компьютер техникасидан фойдаланиб, дарс ўтиш йўлга қўйилган. Жумладан, тумандаги 1-,9-,12-,14-,19-,23-мактаблар ва 22-ихтисослаштирилган мактабнинг физика фани ўқитувчилари компьютер тест маркази раҳбарлари билан ҳамкорликда физика дарсларида масалалар ечиш, лаборатория ишларини бажариш ва графиклар тузиш бўйича тузилган дастурлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Туманда физика фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш, физика таълими бўйича илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида уюшма ташкил этилган. Уюшма тавсиясига кўра, 12 номдаги методик тавсиялар мактабларга етказилган.

Туман мактабларининг

Hayat yig'ilishida

сабабли сақланиб қолган. 8,9-синф ўқувчиларининг манتيкий ва график масалаларни ечишдаги камчиликлари ажратилган ўқув соатларидан унумли фойдалана олинмаганлиги ҳамда "Масалалар тўплами"нинг ҳанузгача нашр этилмаганлиги билан изоҳланади.

Шаҳрихон тумани мактабларидаги физика таълимининг аҳволи таҳлили бутун Республика мактаблари учун хос бўлган ўқувчиларнинг билими сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини юксалтириш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш, ўқувчиларни дарсликлар ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда физика хоналарини талаб даражасида лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш сингари муаммолар уларга ҳам хос эканлигини кўрсатди. Шунингдек, яратилган янги қўлланмаларнинг давр талабларига қай даражада жавоб беришини илмий-амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш, бу соҳада тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Вазирлик Ҳайъат мажлиси Шаҳрихон тумани умумий ўрта таълим мактабларида Давлат таълим стандартлари асосида физика фанини ўқитишни такомиллаштириш юзасидан олиб борилган ташкилий-педагогик ишларни қайд этган ҳолда бир қанча вазифаларни белгилади. Жумладан, физика фанининг ўқитиш муаммолари, жойларда олиб борилаётган тажрибалар, уларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, ноанъанавий дарс ишланмалари, дарслик ва қўлланмалар мазмуни ва сифати, кадрлар тайёрлаш каби туркум муаммолари масалаларни мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳини ташкил этиш, физика фанининг ўқитилиш аҳволига бағишланган республиканинг турли ҳудудларида минтақавий семинар-кенгаш ўтказиш, 6—9-синф физика дарсликларини ва ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уларни тажриба синовдан ўтказиш бўйича таклифлар тайёрлаш шулар жумласидандир.

Ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирини, Ҳайъат раиси Р.Ҳ.Жўраев бошқариб борди.

Жаҳонгир МУСАЕВ
Халқ таълими вазирлиги
матбуот билан ишлаш
сектори раҳбари

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАМИ?

ўқувчиларининг "Электр токи" ва "Электр ўлчов асбобларини ўз ўрнида ишлатиш" мавзулари бўйича, 8-9-синф ўқувчиларининг эса амалдаги дарсликларда берилган стандарт ва манتيкий масалалар, чизма ва графиклардан фойдаланиш бўйича, 10-11-синф ўқувчиларининг эса "Молекуляр кинетик назария асослари", "Суюқлик ва қаттиқ жисмлар", "Электромагнит индукция" ва "Электромагнит тебраниш ва тўлқинлар" бўлимлари бўйича билим даражаси паст эканлиги маълум бўлган.

Ўзлаштириш самарадорлигининг бундай паст даражада бўлиш сабаблари ўқитувчиларнинг методик жиҳатдан тайёргарлигининг етарли даражада эмаслиги, ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалар билан тўла таъминланмаганлиги, амалий машғулотлар ўтиш учун моддий-техника базасининг ноқорлиги билан изоҳланади.

2001-2002 йилларда вилоятда педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида Шаҳрихон туманидан малакасини оширгани борган 18 нафар

ҳомийлик ёрдами кучайтирилганлиги боис мактаб кутубхоналарининг дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминланиши яхшиланди. Жумладан, мактаблар кутубхонасида захирасида физикага доир ўқув адабиётлар — 3323 та бўлиб, шундан методик қўлланмалар - 1010, масалалар тўплами - 1657 нусхани ташкил этади.

Ўқувчиларни ўзлаштириш қийин бўлган мавзулар ва масалалар ечиш бўйича Республика таълим маркази томонидан 5 номда, вилоят ПҚТМОИда 9 номда тавсиялар тайёрланиб, туман ўқитувчиларига етказилган.

Физика таълими соҳасидаги методик хизматни яхшилаш мақсадида Республика Таълим маркази ходимлари, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мутахассислари ўзлаштирилиши қийин бўлган мавзулар, манتيкий масалаларни ечиш методикаси, физиканинг турли бўлимларини самарали ўқитиш усуллари бўйича қатор тадбирлар ўтказди, шу билан бирга ўқитувчиларнинг метод кунларида дои-

моддий-техник ҳамда дарсликлар билан таъминлашни яхшилаш, яроқсиз ҳолдаги лаборатория ускуналарини таъмирлаш, амалий семинарлар ўтказиш ва Осие тарққиёти банки ҳамкорлигида чиқарилган плакатлар билан таъминланганлиги ҳамда ўқитувчиларга методик ёрдамлар берилганлиги натижасида ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлиги бир чорак давомида 13 фоизга кўтарилди.

2002 йилнинг февраль — март ойларида вилоят ПҚТМОИда малакасини оширган Шаҳрихон тумани физика ўқитувчиларининг чиқиш тестлари кўрсаткичи 85,2 фоизни ташкил этган.

Берилган методик ёрдам натижасида 6-синфларда ўқувчиларнинг физик катталарини ўзлаштиришдаги камчиликларига барҳам берилган. 7-синфлардаги ўқувчиларнинг электр ўлчов асбобларини ишлатишдаги камчиликларини мактабларда лаборатория ишларини бажариш учун керакли бўлган асбоблар етишмаслиги, масалаларни ечиш учун ажратилган соатларнинг камлиги



Тошкент Давлат авиация институти талабалари ҳар бир дарсни устозлари билан очиқ мулоқот тарзида олиб боришади. Институтдаги кутубхона эса доимо талабалар билан гавжум. Кутубхонада институт талабалари учун барча ўқув қўлланмалар ва китоблар мавжуд.



Кўпчилик муштарийларимиз ўқитувчи бўлганликлари сабабли улар "Меҳмонхона" саҳифасида Халқ таълими вазирининг биринчи муаллими ким бўлган, у қайси мактабда таълим олган, устозларининг қандай хусусиятлари унга ўтган, раҳбарликнинг сирасорларини кимдан ўрганган каби хилма-хил саволларга жавоб топишни исташди. Мухлисларнинг истакларини инobatта олиб педагогика фанлари доктори, профессор Рисбой Ҳайдарович Жўраев билан мухбиримиз суҳбатлашди.

Меҳмонхона



кинлигини таъкидлаган эди. Бироқ бир синфдошимиз бу гапларга ишонмай (ўзи ҳам бироз олифта эди) соати билан кириб борибди. Ташқарига чиққанамизда унинг соати тўхтаб қолганлигини кўрганмиз. Дарсни кўргазмалли ўтиш тажрибасида булар оддий мисоллар, бироқ улар бир умр инсон хотирасида қолади, яъни дарс яхши ўзлаштирилади.

Ҳозир ҳам ўзининг ишига

Мажлисида қонун даражасида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичидамиз. Мана шу ҳужжатнинг қабул қилиниши, унинг ижроси бевосита давлат раҳбарининг назоратида туриши, амалга оширилган унутилмас ишлар, булар албатта кишини хурсанд қилади, қалбида гурур уйғотади.

Энди кишини қониқтирмаётган жиҳатларига келсак, ана шу эътиборга муносиб ишлар қила оляпмизми, имкониятлардан тўлиқ фойдалана билаяпмизми каби саволларга жавоб қидирганимизда намоён бўлади. Айрим ўқитувчи ўз устида ишламаётган бўлса, ўқув хоналаридаги, мактаб атрофидаги корхоналарда мавжуд кўргазмалли материаллардан унутилган фойдаланмаётган бўлса... Жойларда бўлиб, мактаблардаги давоматни ҳам кузатаман. Авваллари синфда бир бола бетоб бўлиб қолса, бутун мактаб раҳбарияти оёққа турарди, синфдошлар дарсга келмаган касал болани кўргани боришарди. Бу, биринчидан,

Шу ўринда айрим ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳақида гапирмасликнинг имкони йўқ. Улар болаларининг мактабдаги ўқиши ҳақида на ўқитувчи билан фикрлашишди, на ота-оналар мажлисларига боришди. Ваҳоланки, тарбияда ота-онанинг ўрни беқиёсдир. Ўйлашимча, шу каби майда сабаблар тезроқ ривожланишимизга тўсқинлик қилмапти.

— Бошқа давлатларга борганда таълим муассасаларини ҳам кўриб келгансиз. Улар замонавий мактаб деганда нималарни назарда тутадилар? Ўзимизнинг замонавий умумий ўрта таълим мактабимизни қандай тасаввур қиласиз?

— Мен замонавий мактаб деганда кўпчилик ўйлайдиган дангиллама иморатлар ёки "евроремонт" қилинган таълим муассасасини эмас, оддийгина таъмирланган бўлсада, болаларни ҳурмат қилиб, уларни мустақил фикрлашга, юртни севишга ўргатаётган муаллимлари, уларнинг ўғитини, сабогини олиб, билимини ошираётган, келажакка ишонч билан боқаяётган, ота-онасига, ватанига муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилаётган ўқувчилари кўп таълим даргоҳини биламан.

— Домла, оилангиз ҳақида ҳам икки оғиз гапириб берсангиз?

— Турмуш ўртоғим — Светлана Муродхўжаева мультимедия тарғибчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз. Худо берган бир қиз, бир ўғлимизга ҳам ана шу туйғуларни юракларига жо қилишга ҳаракат қилиб, ўстирганмиз. Қизимиздан бир ўғил, ўғлимиздан бир қиз набирамиз бор.

— Қайси спорт турини яхши кўрасиз, ўзингиз уларнинг қай бири билан шуғулланасиз? Муаллим қайси спорт тури билан шуғуллангани маъқул деб ўйлайсиз?

— Ўзим стол теннисини яхши кўриб ўйнайман. Ўзингиз яхши кўрган нарсани бировларга ҳам раво кўр, деган нақл бор. Бундан ташқари, ўқитувчиларимиз волейбол, шахмат билан шуғулланганлари маъқул, деб ўйлайман. Волейболни кўпчилик мактабларда ўқитувчилар яхши кўриб ўйнашади. У ҳам ҳаракатни, ҳам чаққонликни талаб қилади. Шахмат эса муаллимни ўйлашга, фикрлашга, таҳлил қилишга, ҳулоса чиқаришга ўргатади. Уни бежизга "ақл гимнастикаси" дейишмайди.

— Сўнги саволимиз. "Маърифат" муштарийлари — муаллимларга тилакларингиз...

— Фарзандларимизни жуда нозик ниҳолга ўхшатамиз. Уларни қандай парвариш қилсак, эртага шунга яраша меваларни оламиз. Бу парвариш эса, айниқса биз педагоглардан жиддий масъулиятни талаб этади. Ана шу савобли ишда барча таълим ходимларига мустаҳкам соғлиқ, толмас ирода, ижодкорлик тилайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

тугатганимга қирқ йилга яқин вақт ўтган бўлса-да, у ёдимда қолган. Буларни қандай қилиб ёдлаганман, ким мени адабиётни севишга ўргатган? Албатта, ўқитувчиларимнинг маҳорати бунга сабаб бўлган.

Мактабда математика фанидан Белоусова Александра Никитична деган муаллима дарс берарди. Бу фанга жуда қизиқардим. Қизиқиш шу даражада эдики, келгуси дарсни ҳам мустақил ўқиб, тайёрланиб дарсга келардим. Муаллимим эса бу уринишларимни одатий қабул қилиб, кўп ҳолларда мени доскага чиқариб, дарс ўтишимни, яъни болаларга янги дарсни тушунтириб беришимни айттарди. Жараёнда эса менинг

Рисбой Жўраев:

ИЛК УСТОЗИМ ҲАМОН ЁДИМДА

гапларимни, фикрларимни (агар нотўғри бўлса) тузатиб борарди. Бугун бундай дарс тури болаларнинг мустақил ўқишларини, фикрлашларини тарбиялайдиган, ўстирадиган омил сифатида кенг қўлланилмоқда.

Ёки бошқа бир мисол. Урушдан кейинги йилларда ўқиганмиз дедим. Россия урушдан кейин тикланар, биздаги бор нарсалар ўша томонга жўнатилади, шу боис мактабларимиздаги шароит яхши эмас, дарсликлар, кўргазмалли қуроллар йўқ эди ҳисоб. Физика фани ўқитувчимиз электромагнетизмни кўрсатиб тушунтириб бериш учун бизни жамоа ҳўжалигидан шундай жойни топиб, олиб борганди. Беда экиннинг уруғи сарикпечак уруғи билан ўхшаш эканлигини биласиз. Фарқи сарикпечакнинг уруғида кўзга кўринмас тукчалар бор. Лекин у кичик нарсани қўл билан ажратиш қанчалик қийин эканлигини тасаввур қилишингиз мумкин. Дейлик, бир қоп уруғ электромагнит қилиниб, темир қумига аралаштирилганда сарикпечак уруғи темирга ёпишиб қолади. Ундан кейин маҳсус барабан орқали тозаланади. Уни кўзимиз билан кўрдик. Яна бир жиҳат. Заводга боришимиздан аввал ўқитувчимиз соатларимизни ечиб келишимизни, акс ҳолда электромагнит майдонида соат юришдан тўхташини, ҳатто бузилиши ҳам мум-

ижодий ёндашиб ишлайдиган устозларимиз кўп, албатта. Лекин турли баҳоналарни рўқач қилиб, юзаки фаолият юритадиганлар ҳам йўқ эмас. Бугун шароит ҳам, жиҳоз ҳам мактабларимизда оз бўлса-да бор. Лекин айримлар ундан дарсларда умуман фойдаланмайди. Мен ўқитувчиларимиздан мавжуд шароит ва имкониятдан унутилган фойдаланиб, болаларга асосан кўргазмалли мисоллар орқали таълим беришларини хоҳлардим.

Номзодлик ишимга Виктор Абрамович Духовний раҳбарлик қилганди. Унинг устоз сифатидаги қаттиқ сўрови ёдимда қолган. Иш юритиш бўйича эса Пўлат ака Қайумов ёшлардаги фикрни, гоёни, ғайратни тўғри йўлга йўналтира билганлиги билан менда катта таассурот қолдирган.

— Ҳукуматимиз, хусусан, Президентимизнинг таълим соҳасида олиб бораётган сиёсати бугун барчага маълум. Ниятларимиз беқиёс. Амалга оширилаяётган ишларнинг кўлами катта. Шу ишларнинг асосий ижрочиси ҳисобланган вазирлик раҳбари сифатида сизни нималар хурсанд қилапти, нималардан кўнглингиз тўлмаяпти.

— Бугун нафақат таълимимиз, балки давлатимиз тарқиёти учун муҳим бўлган, Президентимиз муаллифлигида ишлаб чиқилиб, Олий

— Домла, рўқимизнинг ўзгармас саволи билан суҳбатимизни бошласак. Кўлингизга илк бора қалам тутқазган биринчи ўқитувчингизни эслайсизми?

— Ўзини зиёлиман деган инсон биринчи ўқитувчисини унутмас керак. У кишининг исми-шарифи, сиймоси доим ёдимда. Курдюкова Лидия Александровнанинг меҳрибонлиги, болажонлиги, синфдаги ҳар бир бола билан алоҳида ишлаши, бугун ўйлаб қарасам, ўз ишини севадиган, бола тарбиясининг билимдонни бўлганлигидан далолат берар экан. Сирдарё тумани "Малик" хўжалигидаги 21-мактабда 11 йил ўқиганман.

— Нега 11 йил, у пайтларда мактаб 10 йиллик эди, шекилли?

— Мактабимиз биринчи бўлиб политехник йўналишга ихтисослашган эди, унда тракторчилик гувоҳномаси ҳам аттестатга қўшиб бериларди. 11-синфда ҳам ўқиб, ўқишдан бўш пайтларда хўжаликда гўза орасига тракторда ишлов бериб, ишлаганман ҳам.

— Сизни тарбиялаган устозларингизнинг қайси жиҳатлари ёдингизда қолган? Қайси хислатларини ўзлаштиргансиз? Яна қандай хислатларни бугунги ўқитувчиларимизда кўришни истайсиз?

— Юртимиз мустақилликка эришганига икки йил бўлганида докторлик ишини ёқлаш учун собиқ Ленинград шаҳрига борганимда, у ерда бўлиб ўтган бир воқеа ёдимда қолган. Илмий кенгаш аъзоси ҳужжатларимни расмийлаштираётиб, менга янги берилган Ўзбекистонимиз паспортига қараб "Паспортларингни ўзгартирдиларингми, биз ҳали "ўроқ-болға"да юрибмиз..." деди Маяковскиининг паспорт ҳақидаги шеърини айтиб берди. Мен ҳам "кенг шим киссадан" оладиган паспортми дея ўша шеърдан парча келтирдим. "Ҳа, Маяковскиини ҳам биласизми" деди. Кейин эса "Ленинградда бўлганмисиз", дея паст назар билан сўради. Унинг кўзларидан ҳам ана шу камситишни илғаш қийин эмасди. "Бўлганман", дедим ва Пушкиннинг "Евгений Онегин" асаридан саволига муносиб мисра ўқидим: "Но вреден север для меня". "Оҳ, сиз "Евгений Онегин"ни ҳам биласизми", деди энди ҳайрат билан. Асарнинг яна бир қисмини ўқий кетдим. Энди унинг кўзидаги паст назар билан қараш йўқолган эди...

Нега бу воқеани эсладим? Ахир, мен техника фанлари номзоди бўлсам, яъни адабиётчи бўлмасам, бу шеърни ёддан билишим шарт ҳам эмасди. Уни мен мактаб даврида ёдлагандим. Мактабни

Kollej+institut+korxonona

Бугунги кунда республикамизда кўплаб замонавий академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ташкил этилиб, унда минглаб ўғил-қизларимиз таҳсил олмақдалар. Айни пайтда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг иккинчи босқичини изчиллик билан амалга оширар эканмиз, бунда асосан таълим мазмунига эътибор беришимиз — янги педагогик технологиялар асосида аннотация дарсларни ташкил этиш ҳамда таълимда ишлаб чиқариш билан фан орасидаги интеграцияни такомиллаштириш ишлари асосий вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ҳам амалга оширилаётган бир қатор ижобий ишлар бугунги кунга келиб, ўз натижаларини бера бошлади. Мазкур мақолада пойтахтимизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежининг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси хусусида сўз юритилади.

Мазкур коллежининг Тошкент Давлат авиасозлик институти ва Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан имзолаган шартномаларида таълим жараёнининг уч томонлама ҳуқуқий ва меъёрий кафолатлари кўрсатилган. Бундан уч йил муқаддам — 1999 йилда авиасозлик касб-хунар коллежи ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнига ОўЮларининг етакчи олим ва мутахассисларини жалб қилиш, таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар билан ҳамоханг ишлаш, таълимдаги янги психологик педагогик ва ахборот технологияларини амалда қўллаш ва бошқа ўқув жараёнларини ҳамкорликда амалга ошириш ҳақида ТДАИ билан ўзаро шартнома имзолаган. Шартнома амалдаги қонунчиликда кўрсатилган меъёрлар билан тўлиқ кафолатланган.

Бу шартномада кўрсатилган келишувга кўра, коллеж ўзида мавжуд бўлган касблар бўйича ўз ўқитувчиларининг институтида малака оширишини тўла таъминлайди. Институт эса бу ишга ўзининг юқори малакали профессор ўқитувчиларини жалб қилади. Ҳар иккала ташкилот ҳамкорликда касб-хунар коллежи учун зарур бўлган ўқув-дастурий ҳужжатларининг тўла мажмуасини ишлаб чиқади.

Кадрларнинг малака оширишлари ва уларни қайта тайёрлаш ишлари умум педагогик мутахассислик бўйича тажриба алмашиш ва битирув ишини бажариш асосида олиб борилади.

Институтда ахборот технологияларининг интегртив усуллари кенг қўллаб, ўқув жараёни такомиллаштириш вазифасида малака оширувчиларнинг иқтисодлик бўйича юксак билим,

малака олиши таъминланади.

Тингловчилар, уларнинг раҳбарлари ва илм-фан арбоблари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиб, ўқиш муддати якунида уларнинг ўз мутахассислиги бўйича олган билимлари буюртмачининг вакили иштирокида мажмуавий имтиҳон орқали аниқланади ва тегишли сертификат ёки диплом берилади.

Институт жамоаси ҳам ўз навбатида, институтда бўлаётган таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришлар тўғрисида коллежга мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Коллеж ўқув устахоналарида институтнинг буюртмаси асосида кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқа ишлаб чиқариш хизматлари бажарилади.

Ўқувчиларнинг дастур материалларини ўзлаштириш даражаси тизимли равишда синовлар ўтказиш йўли билан таҳлил қилиб борилади. Улар билан институт ва унинг мутахассислик йўналишлари ҳақида касбга йўналтириш ишлари олиб борилади.

Буларнинг ҳаммаси ҳар иккала томонга тегишли масъулиятлар юклаши билан бирга шартнома шартларининг бекаму кўст бажарилишини таъминлайди.

Бу шартноманинг меваси сифатида бугунги кунда авиасозлик касб-хунар коллежида ўтган йиллар давомида шахсни ривожлантириш фанлари кафед-

раси, ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси, саноат ва саноат ускуналари кафедраси, табиий фанлар кафедраси, умумқасбий фанлар кафедраси, иқтисодий ва компьютер жиҳозлари кафедралари фаолият кўрсатмоқда. Бу кафедраларда институт профессор-ўқитувчилари ўқувчиларга таълим бериш билан бирга, илмий-услубий изланишлар олиб бормоқдалар ҳамда янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига олиб киришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Педагогларнинг тинимсиз изланишлари натижасида ўрта

ижобий томонлари асос қилиб олинган, десак муболага бўлмайди.

Ҳафта давомида ўқувчиларнинг коллеждаги назарий ва қорхонадаги амалий машғулотлари ўзаро тасдиқланган график асосида белгиланиб борилади. Ўқувчиларнинг цехларга ва бўлимларга бириктирилиши, амалиёт жараёнида қатнашадиган цех бошлиқлари ва мансабдор шахслар вазифалари, техника хавфсизлиги ва бошқа тегишли масалалар ҳал қилинган.

ститути ҳамда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг ана шундай ўзаро ҳамкорлиги талабаларга кейинги иш ва ўқув фаолиятлари учун жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Умуман, ҳозирга келиб Тошкент авиация институти, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан имзолаган шартномалар ўз натижасини бера бошлади. Касб-хунар коллежини битириб чиқаётган ўқувчиларнинг дунёқарашиди, тафаккурида ўзгаришлар уларнинг ташқи кўриниши, ўзларини тута билишлари, бутунлай янги ҳолда шаклланиб, улар меҳнат жамоаларида тарбияланмоқдалар, “касб-хунар коллежини битириб қаерга ишга борсам экан”, деган масалаларни ҳозирдаёқ ҳал этмоқдалар. Фикримизча, мамлакатдаги ҳар бир касб-хунар коллежида тайёрланаётган ёш кадрларимиз янгида ташкил этилаётган кўшма қорхоналарда ҳамда янги технологиялар билан жиҳозланган йирик-йирик қорхоналарда ўқув амалиётларини ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўташса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Зеро, бозор иқтисодиёти ривож топиб бораётган ҳар қандай жамиятда юқори рентабелликка эришиш, катта фойда олиш биринчи ўринда туради. Чунки бу ишнинг ташкилий жиҳатлари, масалан, қорхоналарда ўқув цехлари ташкил этиб, уларни ўқувчиларнинг бошини қовуштирувчи ишлаб чиқариш усталар билан таъминлаш каби ишлар дастлаб айрим қорхона раҳбарларига ортиқча бош оғриғи бўлиб туюлади. Афсуски, кўпгина қорхона раҳбарлари ишнинг бошидаги ташкилий қийинчиликлардан қўчиб, интеграциянинг келгусида давлатга ва қорхонага келтирадиган иқтисодий фойдасидан бенаиб қолади. Бироқ узоқни кўра биладиган тadbиркор раҳбарлар ҳар қандай бошланғич иқтисодий зарар ва ташкилий қийинчиликлардан кўз юмиб, бундай илғор гоёларни амалга ошириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган иш, деб ҳисобламоқдалар.

Рўзимурат ЧОРИЕВ,
Тошкент шаҳар УМКХТ
бошқармаси
раҳбарининг ўринбосари,
педагогика фанлари
номзоди

УЧ ТОМОНЛАМА УЎҚУНЛАШУВ

ЎХУД ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ ХУСУСИДА

махсус, касб-хунар таълими тизими учун “Авиация техникасини монтаж қилиш”, “Механик йиғиш ишлари” тайёргарлик йўналишлари бўйича учта тажрибавий режа ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Тошкент авиасозлик институти проректори З.Ғулломов ҳамда ўқитувчи А.Алимов касб-хунар коллежида бўлаётган барча ишларда коллеж раҳбариятига яқиндан ёрдам беришмоқда. Коллеж талабаларининг кўпгина фанлардан лаборатория машғулотлари институт лаборатория хоналарида ўтказилмоқда.

Ушбу касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш билан, яъни Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган диққатга сазовор ишлари хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Бу ўқувчиларни икки тарафлама касбга тайёрлаш йўналишидир. Касбий тайёргарликнинг икки томонлама дейилишининг сабаби шундан иборатки, талабалар дарс жараёнини икки жойда, яъни, режа ва дастурда белгиланган назарий ва бошланғич амалий таълимни касб-хунар коллежида, ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти машғулотларини эса қорхона цехларида ўтишади. Бу усулда кўп йиллардан бери Германияда қўлланилиб келинаётган дуал тизимдаги таълим шаклининг баъзи

Ҳар бир талабага юқори малакали ишчи мутахассислардан мураббий тайинланади. Амалиётчи талабалар цехнинг табел ҳисобига олинади ва қорхонада жорий этилган ички меҳнат тартибига риоя қиладилар. Назарий фанларни ўқиш режасининг бажарилиш даражасига қараб, қорхонада талабаларнинг амалиёт соатлари ошиб боради. Охириги 1,5-2 ой давомида улар мустақил ишлаб бошлайдилар. Амалиёт муддатининг охирида эса, махсус комиссия ҳузурида амалиётни яқунлаш бўйича малака ишларини топширадилар.

Касб-хунар коллежини битириш арафасидаги ишлаб чиқариш амалиётини ўташ даврида талабалар диплом ишига киришадилар. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бундай диплом ишларининг аввалги хунар-техника билим юртлиридагидан фарқи — ишлаб чиқаришдаги кўпгина янги техник ҳужжатлар, илғор технологик жараёнлар, замонавий дастгоҳ ва ускуналар ёрдамида талабалар ўз ишларини ҳимоя қилишмоқда.

Бунда авиасозлик касб-хунар коллежини 2001 йилда илк битириган С.Шерматов, Р.Шокиров ва А.Злотник каби талабаларнинг бугунданок ўз мураббийлари В.Полишевич, В.Мелогородскийлар билан бир қаторда меҳнат қилаётганлиги мисол бўла олади. Касб-хунар коллежи билан бирга Тошкент авиация ин-

ДАРСЛАРДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ ЯРАТИШ

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш таълим-тарбия жараёнидаги долзарб вазифадир. Ўқувчиларни мен ўзим ўқитаётган физика фанига қизиқтириш учун муаммоли таълим омилларида ўринли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Мазкур ўқув йилида 8-синфда янги дастур, янги дарслик асосида иш бошлаганимизда ҳам бу услуб ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари ривожланишига сезиларли таъсир этмоқда. “Механик ҳаракат. Ҳаракат материянинг ажралмас қисмидир. Саноқ системаси. Ҳаракатнинг нисбийлиги” мавзуларини ўтганида материалларни баён қилаётган, ўз баёнини тўхтатаман ва синф ўқувчиларига саволлар билан мурожаат қиламан: “Материя дезанда нимани тушунасиз?”, “Материянинг асосий хоссала-

ридан бири нима?”, “Механик ҳаракатга таъриф беринг” ва ҳоказо. Ўқувчилар дарсликдан ушбу таъриф ва тушунчаларни топиб, ўқиб, дафтарларига ёзиб оладилар ва жавоб берадилар.

Худди шунингдек, “Саноқ системаси”, “Ҳаракатнинг нисбийлиги” тушунчаларини ўрганиш учун дарсликдаги 2-3-расмларни диапроекторда катталаштириб кўрсатаман ва кўйидаги муаммоларни қўяман:

1. Саноқ системаси дезанда нима тушунилади?
2. Нисбий ҳаракат дезанда нима тушунилади?
3. Қўзатаётган ҳаракатларингизда нисбий бўлмаган ҳаракат мавжудми?
4. Бир жисм икки ёки уч саноқ системасида ҳаракат қилиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, мисоллар ёрдамида тушунишинг.
5. Қандай жисм саноқ жисми бўлиши мумкин?

Sinab ko'ring

Бу каби муаммоли саволларга ҳар бир ўқувчи дафтаридида мустақил жавоб ёзди. Бу босқич уларнинг фанга қизиқиши ва ўқув материалга нисбатан фаол, оғли фаолиятини вужудга келтиради ҳамда ижодий тафаккурини ўстиради. Физика фанининг экспериментал фан эканлигини ўқувчилар оғига етказиш, ўз билимларини синаб кўриш имкония-

тини қурилма машиналар ёрдамида мавзуга оид кичик тажрибалар ўтказиш билан дарс мустаҳкамланади. Фанни тез ўзлаштирувчи ўқувчилар бўлиб ўзлаштирувчи ўқувчиларга бириктирилган. Шу усулда тузилган гуруҳдаги барча ўқувчилар кучлиси кучсизини назорат қилиш вазиятини яратаман. Шу йўл билан физика фанига қизиқишини бир поғона кўтариш имкониятига эга бўлдим. Ўтган ўқув йилида параллел 2 та 7-синфда худди

шу услубда дарс машғулотларини ўтказганимда синфларнинг бирида ўрганиладиган материални ўзим, иккинчисидида, ўқувчиларнинг ўзларига мустақил иш бериб, юқоридидаги усуллари ҳам қўллаб дарс ўтганимда иккинчи синфдаги ўқувчиларнинг билими, савияси сезиларли ошганини сездим.

Қисқаси, машғулотларни янги педагогик изланишлар асосида турли услублар қўллаб ўтишида ўқувчиларнинг ўзларини мустақил билим олишига қизиқтириш, шунга замин яратиш, олган билимларидан қониқиш ҳиссини тарбиялаш таълим-тарбия тизимида муҳим ўрин эгаллашига тўла ишонч ҳосил қилдим.

Роза РАЖАБОВА,
Урганч туманидаги
33-мактабнинг физика фани
ўқитувчиси

ҲАМКОРЛИК

Термиз Давлат университети ректорати вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари билан ўз алоқасини яхшилаш мақсадида катта йиғин ўтказди. Унда университет ректори вазифасини бажарувчи Чори Саидов, жумладан, шундай деди:

— Бугун академик лицей ёки касб-хунар коллежларида таълим олаётган аксарият ёшлар илм эгаллашнинг кейинги босқичини турли олий ўқув юртларида давом эттиришади. Вилоятимизнинг билимдон, зукко ёшлари университетимизда тахсил олишларини истаймиз. Бунинг учун бугундан ҳаракат бошлашни лозим.

Университет маркетинг масалалари бўйича ректори муовини Шероз Мисиров, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи муовини Зиё Жумаев ҳам йиғинда сўзга чиқиб, бундай ҳамкорлик катта самара келтиришини таъкидлашди.

Бирор мақсадни кўзлаб бошланган сўй-ҳаракат, албатта, ўз самарасини беради. Университет олимлари ва бошқарма мутахассисларидан таркиб топган мувофиқлаштирувчи кенгаш энди махсус Низом асосида иш юрота бошлайди. 20 га яқин олий таълим йўналишлари мавжуд университет вилоят ҳудудидаги 50 дан ошмиқ ўрта махсус ўқув юртларини ҳар томонлама оқимликда оладиган бўлди.

МУХБИРИМИЗ

ЁШЛАР
МАРКАЗИНИНГ
ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Чортоқ ва Чуст туманлари Қизил ярим ой жамияти кенгаши қошида ёшлар маркази очилди.

— Марказни очишдан мақсадимиз ёшларнинг бўш вақтларини савобли ишларга йўналтиришдир. — деди халқаро "Қизил хоч" кумитаси вакили Паоло Бернасconi. Уларга бу ерда биринчи тиббий ёрдам курсатиш ўргатилади. Ногиронлар ва яқка-ёлғизларнинг ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга яқиндан ёрдам бериш ишлари амалга оширилади. Биз ушбу марказга доимо моддий кўмак бериб борамиз. Келгусида Ўзбекистоннинг бошқа туманларида ҳам шундай марказларни очиш ниятимиз бор.

"Туркистон-пресс"

Эркаклар улфатчилигининг тарихий илдилари жуда қадимий. Тарихий этнография уни ибтидоий даврлар билан боғлайди. Бундай улфатчиликларнинг жамиятдан сир тутиладиган ички тартиб-интизомлари, ўзига хос қонун-қоидалари бўлганки, уларнинг кўплаб белгилари ҳозирги ўзбек халқининг улфатчилигига хос аъёнларидан давом этмоқда. Йигитлар, ўрта ва кекса ёшдаги одамлар улфатлари ва уларнинг йиғинлари ҳақида, улфат аъзоларининг фазилат ва хислатлари ҳақида гурур билан гапиришади. Кўпинча улфатларнинг кимлар, деган саволга "фалончилар" деган жавоб берилганда: "ҳа, улфатларнинг шундай одамлар бўлса, жуда яхши экан", дея маъқуллаш, баъзан ҳавас қилиш ҳолларини кузатиш мумкин.

Мамлакатимизда улфатчилик муносабатлари бугунги кунда ҳам кенг тарқалган. Ҳатто, айтиш мумкинки, ҳаёти, турмуш аҳволи бир қадар қарор топган ҳар бир эркакнинг вақти-вақти билан тўпланиб турадиган аънавий, улфатдош дўстлари давраси бор.

Улфатларнинг ўзаро муносабатларини кўп ҳолатларда маълум тартиб-қоидаларга, энг муҳими, дўстлик аъналарига содиқлик руҳидаги ўзига хос ижтимоий биродарликка ўхшатиш мумкин. Улфат аъзолари бир-бирининг яхши-ёмон кунларида елкадош, оғирини енгил қилиш, ташкилий ва моддий ёрдамга шошилиш каби хислатларни сидқидилдан намоён этиш билан жамоат орасида ҳам ажралиб туришади.

Улфатчилик гуруҳларининг бирлашиш шартлари турлича бўлиши мумкин. Булар болаликдан бирга ўсган тенгдош дўстлар, мактабдошлар, синфдош ва курсдошлар, хизматдошлар, дунёқарашлари, фаолият соҳалари яқин кишилар ва ҳоказо. Кейинги пайтларда қариндош-уруғ, бир авлодга мансуб кишиларнинг оилавий улфатчилик шакллари ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Бу янги кўриниш оқилона ва камтарона меъёрларда уюштирилса, албатта қариндош-уруғ ичида оқибат ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Айниқса, авлоднинг янги аъзолари: куёв ва келинларни катта-кичик билан таништириш, қариндошлар ўртасида яхши

муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Аммо аёлларимиз уюштириб келаётган гап-гаштакларнинг кўпчилиги маънавий покиза, яхши ниятлар билан ўтаётган йиғинлар эканини эътироф этган ҳолда, баъзан "хотинлар гап"ининг ибратга зид жиҳатлари, меъёрдан чиқишлар, айрим ҳолларда эркакча чапаниликлар, манманлик, мастоналикларнинг доғи аёлларимизнинг покиза, шарқона, нафис табиатларига қора доғ бўлиб тушаётганлигини таъкидлашдан иложи йўқ. Шу каби мулоҳазалар асосида аччиқ-танқид, ҳатто Ўзбекистон Миллий театри насасига чикқани беҳиз эмас.

Улфатчилик аслида ижтимоий тарбиянинг бир воситаси, десак хато бўлмайди. Улфатлар бир-бирига ҳавас билан эргашиб, ўзларининг ва дўстларининг тур-

новни айна мана шу каби гап-гаштакларда иштирок этганликда айблагани маълум.

Ўша даврларда гаштакларда одатда эзгу ишлар, ахлоқий-фалсафий мавзулар устида сўз борган. Бугунги кунда улфатчиликлар ичкилик қўйиб кўнгил очиш каби иллатлардан холи бўлаётганлиги чиндан ҳам қувончлидир. Гап-гаштакларнинг маънавий-маърифий ҳолати қанчалик яхши ва ибратли бўлса, улардан шунчалик элимизга фойда келади, десак ўринлидир.

Ушбу мавзу баҳонасида мени анчадан буён ўйлантириб келаётган бир масала устида фикр юритишни лозим топдим. Бу ҳам бўлса, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида расм бўлган гап-гаштак, улфатчилик ҳақидаги мулоҳазаларимдир. Менинг кузатув-

УЛФАТЧИЛИК ИБРАТИ

ЁХУД ЎҒЛИНГИЗ ДАВРА КЎРГАНМИ?

муш-ҳаётларини зийнатлаб келганлар. Улар ўртасидаги кадр-қиммат, эъозли муносабатлар доимо уларни билганларга ўрнак бўлган. Яхши улфатлар йиғилиши ҳар гал маърифий суҳбатлар даврасига айланган. Улфатчилик йиғинлари аксарият ҳолларда шеърхонлик, китобхонлик (машрабхонлик, яссавийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик кўринишларида) каби маърифий суҳбатлар шаклида намоён бўлган. Улфатлар бир-бирларига муомала маданиятида ўрнак бўлишган. Шу ўринда гап-гаштак аънасининг ижтимоий аҳамияти қай даражада юксак бўлгани ҳақида бир мисол келтиришни лозим топдик: XX аср бошида ҳадидчилик миллий озодлик ҳаракатининг гоявий йўлбошчилари ҳам ўз ўтиришларини ташкил қилишган. Уларнинг йиғинлари миллий маърифат ва озодлик гоялари такомилда алоҳида восита, омил бўлиб хизмат қилган. Ҳаттоки, қатагон йилларида совет ҳукуматининг махсус органлари, Мунаввар қори Абдурашидхо-

ларим шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда ўсмирлар ва ёшларнинг гап-гаштаклари бу қадимий аънасининг моҳиятини ва масъулиятини чуқур тушунмаган ҳолда ўтмоқда. Гап-гаштак, улфатчиликни фарзандларимиз катталарнинг йиғинларида баъзан кузатиладиган ичкилик ва бошқа номаъқул одатлар тақлидига айлантормоқдалар. Уларнинг йиғинларида кўпинча бирор мазмунли, ибратли суҳбат кузатилмаётир. Нутқ саёзлиги, мантиқ чалалиги, луғат қашшоқлиги, ўзаро муомала дағаллиги, чала жумлалар орасида кетма-кет таҳқир сўзлар, мавзу торлиги, мушоҳада ва тасаввур ғариблиги бундай гап-гаштакларнинг асосий сифатларига айланди десак, хато қилмаймиз.

Бу фикрлар беихтиёр "нима қилмоқ лозим?"— деган саволни кўндаланг қилади. Фарзандларимизни улфатчилик таомилларидан, бундай давраларнинг ички тарбиявий моҳияти бирдамлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва дўстликка садоқат руҳидан иборат эканлигини ўргатмоғи-

Mulohaza

миз лозим. Қолаверса, мактабда бу масала ҳақида гап очиш ўринли бўлган ҳолларда эркин мулоқотлар ўтказиш, этнограф олимлар томонидан оммабоп, ихчам рисолалар, суҳбат матнлари чоп этиш, ибратли, намунавий тажрибаларнинг тарбиявий ва ижтимоий-ахлоқий томонларини ёритувчи мақоалаларни оммавий нашр воситалари орқали кенг ёйиш чораларини кўриш фойдалидир. Булардан ташқари "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эътиборини бу масалага қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Лекин ёшларимизнинг улфатчилик йиғинларига бирор ижобий таъсир йўлини излашда ўта эҳтиёткорлик лозим. Чунки юқорида айтганимиздек, гап-гаштак йиғинлари чет одамлар учун ёпиқ ҳисобланади. Шундай экан, "Қамолот"чилар бу масалада маърифий воситалардан кенг фойдаланганлари маъқулмикин. Бинобарин ёшларимизнинг катта қисмини ўз доирасига олган гап-гаштак ижтимоий-аънавий моҳияти билан истиқлол гоясини ёшлар онгига янада чуқурроқ сингдиришга қаратилган мақсад ва ҳаракат майдонидан четда қолиши мумкин эмас.

Халқимизнинг бирор кишига баҳо бериш жараёнида, "бу одам улфат кўрган" деган жумла бор. Бу қисқа таъриф одамнинг ақллиги, тантилиги, бағрикенглиги, саховати, садоқати каби ижобий хислатларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда яқин ўтмишдаги бир аънавани эслайлик: келажакни ўйлаган хонадон бошлиқлари ўғилларини луғат одамларнинг улфатчилик йиғинлари ва бошқа давраларга хизматга кўйишга ҳаракат қилишган. Уларга: "ўзингдан каттароқлар билан улфат бўл" деб насиҳат қилишган.

Азиз газетхон, ўйлаб кўринг! Ўғлингиз фозиллар суҳбатида, улуғлар хизматида бўлганми? Бир сўз билан айтганда, улфат кўрганми?

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори,
Тошкент Давлат
шарқшунослик
институтини профессори

ЎҚУВЧИЛАР
ҲУНАР
ЎРГАНМОҚДА

Кўрғонтепа тумани меҳнат ва бандлик бўлими ҳамда тумандаги 2-ўрта мактаб ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик ёшларнинг ҳунар эгаллашларига шароит яратмоқда. Яъни мактабда ташкил этилган бичувчилик ва тикувчилик цехларида бекор юрган ёшлар касб ўрганмоқдалар. Туман меҳнат ва бандлик бўлими ҳунар ўргатаётган ўқитувчиларни ва талабаларни ойлик маош билан таъминлаётир.

Бу ерда беш ойлик ўқув амалиётларини ўтаган ёшларга гувоҳнома берилади ва улар махсус касб малакасига эга бўладилар. Шунингдек, битирувчиларнинг бир қисми мактабнинг ўзида қолиб, ишлашлари ҳам мумкин. Қолганлари эса яқка тартибда фаолият кўрсатиш билан шуғулланидлар.

О.СИДДИҚОВ

БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ МАКТАБ



1992 йил 1 сентябрдан иш бошлаган Ҳамза туманидаги 307-мактабда ҳозирда 2200 нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

— Мактабимизда маҳалла—мактаб—оила ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган. Ота-оналар ва маҳалла фаоллари билан тез-тез учрашувлар ўтказамиз. Ҳар бир синфда мана шу 10 йил ичида қилинган ишлар, ўзгаришлар, янгиликлар тўғрисида тарбиявий соатлар ўтилади. Бугунги кунда ҳар бир синф ўқувчилари алоҳида ташаббус кўрсатиб, янги имлодаги бадий китоблар билан мактаб кутубхонасини бойитишмоқда. Мақсадимиз маънавий баркамол авлодни тарбиялашдир, — дейди мактаб раҳбари Светлана Бочкарева. — Бундан ташқари ўқувчилар ўз қўллари билан ясаган турли хил ўқув қуроллари, миллий ҳунармандчилик ашёлари ярмаркасини ўтказиб туришади ва ўз қўллари билан ясаган бу буюмларни сотувга олиб чиқишади.

— Мактабимизда "Билимдон" ўқув маркази очилган. Бу ерда абитуриентлар олий ўқув юртларига тайёрланади. Марказда инглиз тили, иқтисод фанлари чуқур ўргатилади. Илгарилар кетган ўқувчиларга етиб олиш гуруҳлари мавжуд. Тўшган маблағдан мактаб таъмири учун, ўқув қуроллари, жиҳозлари сотиб олишда фойдаланамиз, — дейди илмий ва услубий ишлар бўйича раҳбар муовини Фотима Мирраҳимбоева. — Ўқувчилар фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида ҳам жуда фаол қатнашмоқдалар.

Ҳа, илм даргоҳидаги аҳиллик, жипсликнинг ҳукмронлиги мактабнинг бугуни ва келажаги порлоқлигидан далолатдир.

Бурхон РИЗОКУЛОВ
Суратда: мактабдаги очик дарсдан лавҳа.
Муаллиф олган сурат.



— Таълим жараёни ташкил этишда ДТС ва шу асосда дарсликлар яратилиб, ўқув ишлари режалаштириладигани хусусида фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Дарҳақиқат, КТМДнинг асосий талабларидан бири дидактик манбаларнинг ҳаётийлигидир. Шу боис, мамлакатимизда ўқув дарсликларининг янги авлодини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ДТСнинг биринчи блок фанлари бўйича янги манбалар асосида яратилган дарсликларнинг мазмуни миллий истиқлол ғояси руҳи билан суғорилганлигини таъкидлаш жоиздир. Тарих, фалсафа ва маънавият-маърифат йўналиши бўйича ўқув қўлланмаларининг электрон версияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқув режаси бўйича гапирадиган бўлсак, талабаларнинг мустақил ишлаши учун ҳар бир фан бўйича катта миқдорда дарс соатлари ажратилмоқда. Бундан унумли фойдаланилса, ёш мутахассис кадрлар тайёрлашнинг сифат даражаси юқори бўлади.

Бундан ташқари, олий таълим тизимида ўқитиладиган фанларга оид манба, илмий-оммабоп адабиёт ҳамда луғатларни мунтазам топ этиш, дарсликларнинг

мавзуларига оид тасвирий лавҳа ва чизгилар билан бойитиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи блокдаги фанлар асосан педагогика, психология, дидактика, методика, тилларни ўрганишни такомиллаштиришга қаратилган. Чунки бу фанлар бўйича ўқув адабиётлари яратишнинг ўзига хос хусусиятлари, муаммолари, вазифалари ва ечимлари мавжуд. Шу боис, ушбу йўналишдаги дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш муҳимдир:

— ҳар бир фан бўйича ўқув

Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахнинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

— яратилаётган педагогика дарслиги ва ўқув адабиётларида педагогиканинг назарий қисмига эътиборни кучайтириб, маълумот мазмунидан дарслик учун таълим мазмуни ажратиш ва уни фалсафий нуқтаи назардан ҳаракатга келтиришнинг за-

бўлган "Атамалар изоҳи" кабилар кафедраларда ишлаб чиқилган. Шундагина талабанинг дидактик жараён асосида таълим олиши мустақамланиб, касбий маҳоратининг ўсиши мужассамлашади.

— Ёш педагог кадрлар тайёрлашда олий таълим тизимининг бугунги ташкилий жиҳатлари хусусида тўхталсангиз.

— Ўзбекистон Республикасида яратилган таълим тизимининг миллий модели таълим мазмунида ислохот ўтказишни талаб этади. Узлуксиз таълим тизимидаги олий таълимнинг икки босқичда ташкил этилиши, ҳар иккала босқичда: бакалаврият ва магистратурада таълим тизимини ҳам мазмунан, ҳам шаклан такомиллаштиришни тақозо этади.

Талабаларнинг билим самардорлигини оширишнинг оптимал вариантларидан бири турдош мутахассислик йўналиши бўйича ҳам кенг қўламда иш олиб боришдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, талабаларимиз ўзи ўрганаётган фан бўйича макро ва микро тезаурслар яратишга киришганлар. Тезаурслардан оқилона фойдаланиш талабани ортқича толиқиш ва зерикшидан сақлаб, вақтини тасеб қилиш.

Юқоридаги босқичларни муваффақиятли тугаллаган талабаларни махсус тайёргарлик асосида хориз мамлакатларида тажриба алмашиш тарихида олишларини ташкил этиш юзасидан ҳам ишончли лойиҳалар тузиш борасида амалий иш олиб бормоқдамиз.

Институтимизда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқитилишида ҳам илмий-иҷодий ёндашилган ўқув-услубий, илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Ўзбек филологияси факультетида бугунги кунда замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш борасида ўқув-услубий, моддий база яратилган.

ДТС талабларига жавоб берадиган ўқув режаси, ўқув дастурлари ва маъруза матнлари ишлаб чиқилган. Ўзбек тилшунослиги соҳасида профессор Б.Йўлдошев томонидан "Тилшунослик асослари" ва "Умумий тилшунослик", "Тилшунослик ва табиий фанлар"; профессор Б.Урибоев томонидан "Ўзбек тилшунослиги тарихи", профессор Х.Неъматов томонидан "Ўзбек адабий тили тарихи" фанларидан барча меъёрий талабларга жавоб берадиган маъруза матнлари ишланган.

Кафедра базасида ўзбек диалектологияси (шевашунослиги) ва тарихий ёзма манбаларни ўрганиш юзасидан ҳам амалиётлар уюштирилиб, унда ҳам бир қанча илмий аҳамиятга молик масалалар топилди, барча лисоний талаблар асосида улар таҳлил қилинмоқда. Ўзбек филологияси факультети 3-курс талабаси А.Аллабердиев "Шажараи

ЮКСАК ҒОЯВИЙЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИМИЗ АСОСИ

турк" асаридаги тарихий этнонимларни ўрганиш ва улардаги ўғиз-қипчоқ лаҳжасига хос лексик қатламнинг тарихий-этнографик асосларини таҳлил этмоқда. Бу илмий изланишнинг дастлабки натижалари асосли далиллар билан исботланмоқда.

Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларига қаратилган муҳим тадқиқотлар устида олиб борилган ёш ва иқтидорли кафедрамиз олимларининг тинимсиз меҳнати бекиқдир. К.Бозорбоев "Ўзбек фразеологиясининг коммуникатив ва прагматик аспекти" мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳимояси устида иш олиб бормоқда. Ҳозирда дастлабки натижаларни қўлга киритган. Ф.Нажмиддинов адекатив лексемаларнинг сингификатив, коннотатив, прагматик маъно компонентлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларида сезиларли натижаларга эришилди. Бу изланиш ўзбек тилшунослигидаги новаторликдир. Б.Зариповнинг изланишлари ўзбек тили лексикасини диахрон (тарихий) ва синхрон (замонавий) йўналишларида бадий санъат асосида қийслаб тадқиқот олиб боришга қаратилган.

Тадқиқотчилардан Н.Зайниддиновнинг кўп томли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да шахс отларининг берилиши мавзусидаги, Т.Ўстоновнинг "Номинал синтагмаларнинг семантик функционал хусусиятлари" юзасидан илмий изланиши, У.Ориповнинг "Нурота топонимларининг лингвистик ва этнографик таҳлили" устида олиб борилган ишлари самарали бўлмоқда.

Шунингдек, Б.Ашуров "Ўзбек тилининг асосий имло қондалари"ни умумтаълим мактабларида ўрганиш мавзуси юзасидан, И.Шодиев тарихий матнларнинг гносиологик манбалари ва уларнинг лингвистик таҳлили бўйича изланишлари эътиборлидир.

Кафедрамиз бошқа таянч олий ўқув юрлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, САДУ, БухДУ, ЎзМУ, ТДПУ, ЎзФА Тил ва адабиёт институти, Халқаро турк-қозоқ университетлари билан ҳамкорликдаги тадқиқотларимиз яхши ва самарали натижалар бермоқда.

Маҳмуд РАВШАНОВ,
Ўзбек тилшунослиги
кафедраси мудири, доцент

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Навоий Давлат педагогика институти ректори,
фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Раҳмонов билан
муҳбиримизнинг суҳбати ани шу мавзуда.

қўлланмаларининг муқобил тарзда бўлишини таъминлаш, миллий қадрият, урф-одатларни ўрганишда мутафаккирларимиз қарашлари ва ғояларидан ўринли ва кенг фойдаланиш;

— таълим-тарбия жараёни миллийлаштириш орқали комил инсон тарбиясининг педагогик ва психологик томонларига эътиборни кучайтириш, таълим-тарбия мазмунида муаммоли вазиятларга янада кенг ўрин бериш;

— таълим-тарбия олувчиларда мустақил ишлашни ташкил этиш, фикрлаш, мушоҳада қилиш орқали уларнинг тафаккури ривожланишига имкон берувчи босқичли тизимни амалга ошириш, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг ҳозирги тизимини янада мукамаллаштириш;

монавий метод ва шакллари такомиллаштириш.

— Шу йўналишда институтингизда қандай ишлар амалга оширилган?

— Бу борада дидактик манбаларнинг асосий қисмини тўлдирish учун институтимиз олимлари томонидан маърузалар матнлари тузилиб, ишлаб чиқилганини айтиш жоиз. Ёки талабаларнинг тўғри мутолаа қилишлари учун кафедралар томонидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, институтда мавжуд доимий ҳаракатдаги ўқув-услубий семинарда таҳлил қилиб борилмоқда. Шунингдек, кўшимча адабиётлардан фойдаланиш бўйича ҳам кафедралар қошида кўшимча дастурлар ишлаб чиқилган. Илмий манбалар рўйхати, улар ҳақида аннотациялар, шарҳлар, тушунилиши оғир

СПОРТ ОЛАМИДАГИ ПАРВОЗЛАР

Мустақиллик йиллари давомида бутун республика миқёсидаги аҳамиятга молик масала — мамлакатимизда миллий спорт турларини ривожлантириб ҳар жиҳатдан баркамол, билимли, эркин ва шу билан бирга ўз ватанига содиқ янги авлоднинг тарбиялаётган НДПИ жисмоний тарбия факультетида 548 нафар ёшлар таҳсил олмоқда. Ўз она юртининг ривожига қўлидан келганича ҳисса қўшиш иштиёқи билан билим олаётган ёшларга фан докторлари, фан номзодлари, катта ўқитувчи ва ўқитувчилар сабоқ бермоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган "Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият" таълим йўналишининг намунавий ўқув режаси пухта ишлаб чиқилган бўлиб, босқичма-босқич, "Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси", "Гимнастика", "Енгил атлетика", "Спорт ўйинлари", "Ҳаракатли ўйинлар", "Сузиш ва уни ўқитиш методикаси", "Миллий кураш", "Мушиқа — ритмик тарбия", "Спортда педагогик такомиллашув", "Туризм — уни ўқитиш методикаси", "Спорт иншоотлари", "Спорт — маҳорати" фанлари бўйича талабаларга маъруза, семинар, лаборатория, амалий машғулотлар мазмуни олиб борилади.

Спортга оид фанлар Навоий шаҳридаги Марказий "Сўғдиёна" спорт ўйингоҳида ҳамда "Дельфин" сузиш бассейнида олиб бориладигани туфайли 1 нафар Осие чемпиони, 8 нафар халқаро мусобақа ғолиблари, 1 нафар Сидней Олимпиадаси иштирокчиси, 30 нафар Республика чемпионлари, 36 нафар Республика мусобақаси ғолиблари, 2 нафар халқаро миқёсда спорт устаси, 16 нафар спорт устаси, 26 нафар спорт усталигига номзодлар этишиб чиққанлиги устоз ўқитувчилар меҳнатининг самарасидир. Булар орасида енгил атлетика бўйича Рустам Мирзаев, дзю-до бўйича Алишер Неъматов, боксчи Элдор Сероглазов, сузиш бўйича Мари Ачакева, кураш бўйича Шерзод Мустафоев ва бошқалар институтимиз фахри ҳисобланади.

Бухорода ўтказилган "Универсиада—2002"да қатнашувчи спортчиларнинг пухта тайёргарлик кўришида институт маъмурияти ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмак бераётганлиги спортчилар маъсулиятини оширмоқда.

Б. ЎТАНОВ,
НДПИ Жисмоний тарбия
факультети декани, доцент

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласида истиқлол мафкураси — кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғоя — овоз ва обод Ватон, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзуинтилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради, дейилган.

Демак, ана шундай жамиятда таълим-тарбиянинг аҳамияти бекиқдир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичида "Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдирish таъминланади", — деб таъкидланган. Мана шу вазифани рўёбга чиқаришда, шубҳасиз, педагог кадрларнинг хизмати зарур бўлиб қолади. Айниқса мутахассислиги қандой бўлишидан қатъи назар, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ишловчи кадрлар асосан ёшлар билан иш юритадилар. Демак, улар миллий ва умуминсоний қадриятлар, комил инсонга хос ахлоқий-маънавий фазилатлар, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси руҳида тарбияланган бўлишлари керак.

Бизнинг кафедрамизда "Таълим-тарбия жараёни миллийлаштириш орқали комил инсонни тарбиялашнинг педагогик асослари" мавзусида илмий тадқиқот ишларига катта

эътибор берилган. Бу борада ўқитувчиларимиз 4 босқичда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар: ҳар бир тадқиқотчи кафедранинг умумий муаммоси бўйича ўз йўналишларини қуйидаги босқичда амалга оширмоқдалар.

1-босқич. Таълим-тарбия жараёни миллийлаштириш имконларини аниқлаш.

2-босқич. Миллийлаштиришнинг дидактик ишланмаларини шакллантириш.


3-босқич. Миллийлаштирилган дидактик ишланмаларни амалиётда синош ва такомиллаштириш.

4-босқич. Синов натижалари, янги педагогик технологиялар асосида услубий қўлланмаларни яратиш.

Бу борада маълум якуний натижалар олинди ва ҳозиргача бир неча ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Институтимизни битириб чиқувчи ҳар бир кадр, аввало, фан асосларини чуқур билиши, замонавий информатика, интернет соҳасини эгаллаши, янги педагогик технологияни чуқур эгаллаб, касбий педагогик маҳоратини оширишига асосий эътиборни қаратганмиз.

Т.ГУЛБОЕВ,
НДПИ педагогика кафедраси
мудири, доцент

КАФЕДРАМИЗ ИЗЛАНИШИДА



Manfred Shtroybel dunyo xotirasida fojeali iz goldirgan Ikkinchi jahon urushi davrini o'z boshidan kechirgan shoirlardan biri. Bu urush esa insoniyat taqdiridagi eng dahshatli voqea bo'lgan edi. U mehr-muhabbatni tanimas, odamni yomon bo'lishga majbur etar, tahqirlar, zo'rlar edi.


Manfred Shtroybel 1932 yilda Olmoniyada tug'ilgan. O'quvchilik davridayoq adabiyotga, she'riyatga juda qiziqqan. Shuning uchun maktabni tugatib yoshlarning «Yungavel't» deb nomlangan gazetasida ishlay boshladi.

1956 yilda uning «Baland va ohista» deya nomlangan yupqa kitobchasi nashrdan chiqdi. Undagi she'rlar urush fojeasining bola qalbidagi tasviriga o'xshardi. Urush dahshatlari juda ko'p yillarga ketadi. Otasi urushda halok bo'lgan bolalar sochlariga oq tushsa-da, o'zlarini urush qurbonlari hisoblaydilar. Manfred Shtroybel bu haqiqatni juda yaxshi his etadi. U «Xotira lahzalari» sarlavhali she'rida hali devorlarga qanchadan-qancha bolalar yuraklaridagi nafrat so'zlarini ko'chirib yozishi mumkin ekanligiga ishora qiladi. Sog'inch, kutish so'zlarini yozish mumkinligini aytadi.

1968 yilda uning birmuncha lirik she'rlardan iborat «Vaqt hisobi» degan she'riy to'plami chop etildi. 70-yillardan shoir bolalarga yoza boshladi. Lekin she'rlarining hammasida bolalarga katta umuminsoniy masalalardan gap ochardi. «Buyuk kir yuvish» she'rida shoir qon-ter bilan qotgan xotiralarni jonni qiynab yuvish kerakligini aytadi. Ha, hech bir katta tarixiy burilish o'zgarishsiz osongina kechmaydi. Qon to'kiladi, qatag'onlar, azoblar yuz beradi. Ana shu azob ishlarini yuvish esa hamisha yoshlar zimmasiga tushadi. Yoshlikka esa bolalik deb ataluvchi ko'prikdan o'tiladi.

Aynan shu bolalikka jur'at va tafakkur baxsh etish maqsadida Manfred Shtroybel bolalar ijodkoriga aylandi.

1976 yilda uning «Kashfiyotlar alifbosi» nomli to'plami chop etildi. Undagi «Tuxumsoldi» va



«Tugma» she'rlariga e'tibor bersangiz, ular ohanglari bilan bolalarnikiga o'xshaydi. Ammo ularni bemalol kattalar o'qisa ham bo'ladi. Nega bolaning robotga rahmi keladi? Faqat dastur, faqat buyruq bilan yashash yaxshimi, yomonmi, yaxshi bo'lsa nimasi yaxshi, yomon bo'lsa nimasi yomon? kabi savollarga javob izlashga boshlaydi bizni. Shoir shu tariqa she'rdan she'rga yuksala bordi, nemis bolalar adabiyotining taniqli shoirlaridan biriga aylandi. Uning keyingi kitobi «Mol-mulk ro'yxati» deb ataladi Manfred Shtroybelning bu kitobi ham to'faligicha bolalarga bag'ishlangan edi. Hamma bolalar shoirlari dunyoni o'zi bolaga aylanib, bola ko'zi bilan kuzatadi.

Xulosalar qiladi. Manfred Shtroybelning she'rlaridan ham, qaysi shaklda yozsa-da, o'sha tiyrak, qiziquvchan nigohlar termulib turadi. Ammo ular shunchaki xabar beruvchi she'rlar

emas, balki, o'ylatuvchi she'rlardir. Chunonchi, shoirning «Oynalar» va «Lampa» degan she'rlari bir qarashda oddiygina kundalik ish xabariga o'xshaydi. Tanish holat. Oyna dog'-dug' bo'ladi, yuvamiz. Lampadan esa, qorong'u ko'chalarga nur sochiladi. Ammo teranroq o'ylab, savollar bersak-chi... «Chin hayotni ko'rsin har inson» satrini nima uchun keltirdi? Axir hayot faqat tiniqlikdan iborat emas-ku. Yaxshiliklar ko'p bo'lganiday, yomonliklar ham oz emas. Ular ko'ngilga g'ubor solib turadi. Biz tormas, keng, sergak va mehnatkash bo'lsak bu g'uborlarni yuvishga kuchimiz yetadi. Bir qarashda, oddiygina bo'lib ko'ringan bu she'rda faollikka chorlov, da'vat bor. «Lampa» she'ri ham shoirning shu fikrining davomiga o'xshaydi. Tun. Hadik-xavotirdagi odamlar. Uyg'oqmisiz, deb imo-ishora qilayotgan, yorug'likning bor ekanini eslatayotgan lampalar... Odamda yorug'likka umid, muhabbat uyg'otadi bu she'r. Biz bu shoir sinfda o'rganilsa, shoirning «Yangi uyga ko'chib o'tish» she'rini bolalarga tahlil qildirishlarini istardik. Ularga shunday savollarga javob toping, deb yo'nalish berish mumkin:

1. Nima uchun odam uylik bo'lganiga suyunadi?
2. Ammo nima uchun bu uyda uzoq o'tirolmaydi?

«Biznikida yashagan askar» she'rini tahlil qilganda she'r turi sonet ustida to'xtalish mumkin. Sonet 14 satrdan iborat she'r turi bo'lib, bolalar adabiyotida juda kamdan-kam holda ishlatiladi. Ammo bu nemis shoirining sonetlari bolalarga ham, kattalarga ham birday tushunarlidir. Undagi she'r o'zagini tashkil qiladigan satrlar so'nggi bandlariga joylangan bo'lishini ta'kidlash mumkin.

Xullas, Manfred Shtroybel she'rlari o'ziga xos shakl va mazmuni bilan faqat adabiyot o'qituvchilariga yaxshi manba bo'libgina qolmay, barcha she'riyat ixlosmandlariga ham yoqishiga ishonchim komil.

Miraziz A'ZAM

BOLALIKKA JUR'AT VA TAFAKKUR BAXSH ETADI

Manfred SHTROYBEL

BUYUK KIR YUVISH

Bu shunday bir shiddat, zo'riqish, Umr bo'yi azoblab jonni yuvish asr belgilarini — kirni, terni, qonni.

Yuvish — ko'pirtirib suv aylantirish — ma'sud bo'lib, g'oyat beomon va bu ishning ustida osmon salqingina hamda serjilo yaproqlarni sochib har tomon bizga quvonch etadi ato.

LAMPA

Yarim kecha qorong'ida Lampamizni yoqamiz. Yorug'likni ko'chalarga Pona qilib qoqamiz.

Chiroq bilan odamlarga Yo'llab imo-ishora, Bu olamda uyg'oqimiz, deb Eslatamiz yuz bora.

To'nib ketgan to'pgullarga Sochamiz nur, harorat, Qo'rquvlarni quvib solib, Ulashamiz jasorat.

Sovuq, namchil havolarda Quvontirib do'st-yorni, Nur ulashmoq ishidan ham Ulug', go'zal ish bormi?

TUGMA

Robotlarga rahmim kelar, Qachon ko'rsang yolg'iz ular.

Dadasi yo'q, oyisi yo'q, Faqat dastur, faqat buyruq.

Alam qilar, bosadi g'am, Akasi yo'q, singlisi ham.

Milyontacha a'zosi bor, Ammo bitta a'zoga zor.

O'rtasida tugmasi yo'q, O'rta joyi tamom bekiq.

Robotda yo'q, ammo bizda, Tugma mavjud hammamizda.

BOG'DAGI ISH

Ming uringin, bog'da gullarni Qilolmaysan hech vaqt go'zalroq. Qondirishing mumkin ularni Ildiziga suv berib biroq.

Quyolmaysan hech qachon sharbat Mevalarning yumshoq joyiga. Vaqti-soatida sen faqat Mehnat qilgin kerak oyida.

Yashir orzuvingni ichingga juda, Hosilni kut. Sabr qil, chida. Berganiga qilgin qanoat.

Yodingda tut bir shartni faqat: Bir tartib bor bu bog' ishida: Mehr-muhabbatga mehr-muhabbat.



OYNALAR

Kir bo'libdi derazamiz, Oynalar chang, har yeri dog'-dug'. Kel, oynani yuvamiz, Changlarini quvamiz, Keng uyimiz bo'ladi yorug'.

O'ng qo'limni ishga solib Oyna kirin ketkazaman. Charchasa o'ng qo'lim tolib, Dokani chap qo'lga olib, Ishim so'ngga yetkazaman.

Hech qanday dog', chang yoki to'zon Ufqimizni qilmasin xira. Chin hayotni ko'rsin har inson: Yuvisin chang, yuvisin yolg'on, Har narsa pok bo'lsin, bokira.

O'ng qo'limni ishga solib Oyna kirin ketkazaman. Charchasa o'ng qo'lim tolib, Dokani chap qo'lga olib, Ishim so'ngga yetkazaman.

YANGI UYG'A KO'CHIB KELISH

Tuzukroq yashay deb, Halol osh oshay deb, O'zingga qurasan imorat. O'z uying bo'lgani, Mol bilan to'lgani — Nazdingda baxt shundan iborat.

Shiplaring oqlangan, Eshik-rom bo'yoqlangan, Quvonchdan yuraging o'ynaydi. Uy uchun to'y bersang, Mehmonlar chaqirsang, Yuzing yorug', ko'ngling yayraydi.

Albatta to'rt devor Hammamizga darkor — Dunyoda bo'ron bor, qaldiroq. Ammo — qiziq! — odam Uyi zo'r bo'lsa ham, Uyida o'tirmas ko'p uzoq.

BIZNIKIDA YASHAGAN ASKAR

Tinib so'nggi to'plar gumbur-gumburi G'alabani qilganda xabar, Shahrimizga kirdi horg'in askarlar, Biznikida yashadi biri.

Biznikida turdi qurol-yaroq bilan, Men yosh bola edim, otadan yetim, Eshik tirqishidan uni kuzatdim, U tamaki kesdi stolda pichoq bilan.

Onam stolimiz qirilmasin deb, Fahming shuncha deb uni turti. Qiyma taxta berdi. Sal-pal og'rindi.

U qizardi. Onamga ko'zlarin qadab Uyi, oilasi kul bo'lganin aytdi. Onam taxtani yashirdi. Askar ayar stolni endi.

Ruschadan Miraziz A'ZAM tarjimalari

РЕЖАЛАРИМИЗ УЛКАН



Мамлакатимизда мустақилликнинг ўтган даври таълим тизими соҳасида ҳам катта ютуқларга бой давр бўлди. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда муаллимларимиз чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқдалор.

Бугунги кунда бошқарма тасарруфидаги ўқув юртларида 4076 нафар ўқитувчи, муҳандис-ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталари 49136 нафар ўқувчи ёшларга 140 дан зиёд мутахассисликлар бўйича касб сирларини ўргатиб

келаётирлар. Янги ташкил этилган касб-хунар коллежларини педагог мутахассислар билан таъминлаш мақсадида ички аттестация ўтказилиб, ўқитувчилар таркиби ҳал этилди.

Ўқитувчиларимиз ўз билим савияларини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 2 та олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган малака ошириш курсларида, ФарДУ ва ФарПИ қошида ташкил қилинган малака ошириш факультетларида ўқиб, ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалор.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини амалий бажариш борасида 1999 йилда ишга

туширилган касб-хунар коллежларининг бешта-си тажриба-синов майдончалари қилиб белги-ланди.

Тажриба-синов майдончалари қилиб белги-ланган ўқув юртларининг ўқув жараёнида таълим стандартларини тажрибавий ўқув-режа ва фан дастурларини синовдан сифатли ўтказишда амалий ишлар олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-



риллаб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-

рилиб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-

рилиб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-

рилиб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-

рилиб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-

рилиб олиб борилди. Режа ва тадбирлар асосида уч маротаба ўқув юртларидаги назорат гуруҳларида олиб бо-



қариш таълими усталари номини фахр билан тилга олиш мумкин. Т.Константиновна, М.Неъматжонов, У.Раҳимов, Т.Бўтаев, М.Умаров, Х.Жумабоева, А.Абдуқодиров, Ш.Нуриддинова, С.Комилова, М.Мирзааҳмедовлар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда бюджетдан ташқари маблағ топишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Бундай муваффақиятларга эришишда Фарғона машинасозлик касб-хунар коллежи, 19-касб-хунар мактаби, Бешариқ қиш-

лоқ хўжалик касб-хунар коллежи, Бувайда касб-хунар лицейи, Марғилон миллий хунармандчилик лицейи жамоалари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Галдаги режаларимиз янада улкан. Уларни бажаришда барча муаллимларимизга, ишлаб чиқариш усталарига омад тилайман.

Иномжон ТЎХТАСИНОВ,
Фарғона вилояти ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи



ЗАМОЖ МАЛАЪЛАРИ АСОСИДА


"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мамлакатимиз таълим тараққиётида асосий йўналиш сифатида ўрин тутмоқда. Дастур талабларига мувофиқ вилоятимизнинг турли жойларида янги турдаги ўқув масканлари қад ростламоқда. Ёзёвон агробизнес коллежининг қайта таъмирланиб, Ёзёвон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи номи билан ишга тушганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирда 325 нафар талабаларни ўз бағрига олган бу ўқув маскани бухгалтерия ҳисоби, агрономия, фермер хўжалигини ташкил этиш, менежмент, молия, ҳуқуқшунослик каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрламоқда. Замон талабларига асосан коллеж тўлиқ таъминланган. Ва ўқувчиларнинг билим олишлари, маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун шароитлар яратилган. Кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, спорт зали, ошхона, ётоқхонадан ташқари, ўқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган "Олтин мерос" хонаси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий экспонатлар, коллеж ҳаётига оид суратлар ва турли буюмлар, ўқувчилар ўзлари яратган

қўл ишлари моҳирона қилиб безатилган. Коллежда маънавий ва маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. 12 та фан тўғрисида ташқари "Оила шифокори", "Тикувчи-чевар", спорт тўғрисидаги ўқувчиларнинг бўш вақтлари қизиқарли ва унумли ўтишига ёрдам бермоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг маънавий жиҳатдан етуқ ва қомил инсон бўлишлари, қадимий урф-одатларимизни, қадриятларимизни сингдирган ҳолда тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Коллеж хотин-қизлар кўмитаси қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Коллеждаги "Миллий хона" қизлар тиккан кашталар билан миллийлигимизга, урф-одатларимизга мос қилиб безатилган.

Бундан ташқари, коллежда ўтказилаётган турли тадбирлар ўқувчиларнинг ҳар томонлама етуқ, баркамол инсон бўлиб вояга етишларига ёрдам бермоқда.

Ирода МАТКАРИМОВА



Йигит кишига қирқ хунар оз, дейишди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки хунарни ҳеч қачон хор бўлмайди. Айниқса, бугунги бозор иқтисоди даврида хунардиларнинг ишлари янада кўл келмоқда. Бун тўғри англаган 26-касб-хунар мактаби жамоаси ҳам ёшларга хунар ўргатиб боришнинг турли усулларини ўйлаб, билим юртига ёшларни кўпроқ жалб этишга интиломоқда. Касб-хунар мактаби жамоаси ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, билим-гоҳни таъмирдан чиқарди. Кичик хоналарни катталаштириб, ўқувчилар учун қўшимча мутахассисликлар жорий қилинди. Чилангарлик,

ЁШЛАР КЕЛАЖАГИНИ ЎЙЛАБ

чорвачилик, фермер механизатори, тракторчи ва электрогазпайвандловчи гуруҳлари талабаларига В, С тоифали автомобиль ҳайдовчиси гувоҳномасининг қўшиб топширилиши қишлоқ ёшларининг касбга бўлган қизиқишларини янада кучайтирди.

Бундан ташқари, ўқув даргоҳида ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида автомобиль ҳайдовчилиги бўйича пулик курс ташкил этилди. Ўқув юртининг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида бутун жамоа бирдек меҳнат қилмоқда.

Ҳайдовчилик гуруҳи учун алоҳида 5 та хона ташкил этилди. Хоналар керакли кўргазмали қуроллар билан жиҳозланди. Бунда махсус фан ўқитувчиси Бекмирза Шералиев, бош уста Наби Дехқонов, Тиллақўзи Шокиров сингари тажрибали муаллимларнинг саъй-ҳаракати катта бўлди.



ний" номли асардан Амир Сабуктегиннинг Фазнадаги ҳукмронлик даврига оид парча берилган.

О.Мугаловнинг "Оллоқулихон ва маърифат" ва М.Олимовнинг "Бобурнома"да қўлланган Аллоҳнинг исми ва сифатлари мақолаларида тарихимизнинг безавол саҳифалари ҳақида сўз боради.

"Замонамиз уламолари" рукнидаги мақолада мустабид тузум даврида бўйнига "халқ душмани" деган тавқиланган Шайх Қутбиддин Ургутийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган, унинг меросидан лавҳалар берилган. Б.Ва-

СИЗ ИСТАГАН САБОҚЛАР

"Имом ал-Бухорий сабоқлари" журнаlining жорий йилдаги биринчи сони нашрдан чиқди. Муқовадаги сурат, унинг ичидаги сеvimли шоиримиз Набихон Чустийнинг "Мўйсафидлар" шеъри ва бош муҳаррир З.Мунавваровнинг "Безавол қадриятларимиз гултожи" мақоласида қарияларни эъозлаш — озалий қадриятларимиздан эканлиги ранг-баранг бўёқлар ва бадий ибораларда акс этган.

Четга олиб кетилётган вақтда ушлаб қолинган маънавий-маданий меросимизнинг икки нодир дурдонаси ҳақида "Халқ сўзи" газетасида 6 декабрь куни хабар берилган эди. Уларнинг қандай илмий аҳамияти ва бадий қийматга эга эканлиги ҳақида "Абадий барҳаёт Китоб" рукнидаги "Омонатга хиёнат ва бурчга садоқат" номли мақоласида батафсил ҳикоя қилинган.

"Муҳаддислар султони" рукнидаги ҳиндистонлик олим аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг "Сийрат ал-Имом ал-Бухорий" ("Имом ал-Бухорий сийрати") номли китоби таржимасида Абу Абдуллоҳ ёзган асарларнинг рўйхати ва қисқача тавсифи берилган.

"Кексалик — улғворлик" рукнида А.Иброҳимовнинг "Зикир Муҳаммадҷонов: санъаткор, олим, инсон" номли мақоласида сеvimли актёримиз ҳаёти ва фаолиятининг муҳим қирралари очиб берилган. "Бизнинг мулоқот" рукнидаги "Маънавиятимизнинг безавол манбаи" номли мақола Тошкент ислом университети проректори, шайх Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган Куръони карим маъноларининг ўзбек тилига қилинган янги таржимасига бағишланган.

"Манбалар тилга кирганда" рукнида Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ал-Утбий қаламига мансуб (961-1040) "Тарих ал-Йами-

лихўжаев, Ғайбулла ас-Салом, Қ.Муҳиддинов, Н.Комилов, М.Ҳасаний, М.Маҳмуд, Ҳ.Қудратуллоев, З.Ҳамидов, Ҳ.Дадабоев каби олимларнинг хотираларида таъкидланишича, Шайх Қутбиддин Ургутий (1906-1983) саҳий ва қалби-дорё инсон, бенозир дин пешвоси, етук навоийшунос олим, меҳрибон устоз, "буюк Ғафур Ғулом эътирофини қозонган ҳазрат" бўлган.

"Тасаввуф — маънавий камолот йўли" рукнидаги тасаввуфшунос олим Икромиддин Остонақуловнинг "Икки сарнашма қиёси" мақоласида Алишер Навоийнинг "Насоийим ул-муҳаббат" ва Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг "Тазкират ул-авлиё" асарлари қиёсий таҳлил қилинган.

"Муҳим анжуман ва тақдирот" номли мақола 2002 йилнинг 16 январь куни Бухорода бўлиб ўтган "Терроризм — XXI аср вабоси" мавзудаги илмий-амалий анжуман ва "Имом ал-Бухорий сабоқлари" журнаlining 2001 йил 4-сони тақдироти бағишланган.

"Китоблар оламида" рукнида Рашид Зоҳиднинг "Жамият — бир тарикат" мақоласида Ш.Сирожиддиновнинг "Сўфи Оллоёр илоҳиёти" китобига тақриз, журнал ичидаги "Имом ал-Бухорий авлодлари" номли ёшлар журналидаги М.Муҳиддиновнинг "Юрагимдаги дардлар" номли мақоласи, "Адабиёт саҳифаси" рукнидаги Ф.Эшмоновнинг "Ғазалга мос назира" мақоласи, Б.Пирмуҳаммадовнинг "Маҳмуд аз-Замохшарийнинг "Рабиъ ал-аброр" асари ва унинг қўллама нусхалари", А.Дехқоновнинг "Муҳаййир — моҳир таржимон", А.Абдуллаевнинг "Абуллайс ас-Самарқондий" мақолалари, "Ҳикматлар ҳазинасидан" рукнида Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан нашрга тайёрланган Луқмони ҳақимнинг машҳур юз ҳикмати ҳам сизнинг қизиқшларингизга мўлжалланган.

Ойбек ШАКАРОВ



АСРА БОЛАМ ЎЗИНГИ

Ҳаёт тасодифларга тўла. Халқимизда "фалокат оёқ остида", деган ибора бор.

Баъзан билиб-билмай қилган қалтис ҳаракатларимиз, уквсизлигимиз, саросимага берилишимиз оқибатида баъзи кўнгилсизликлар юз берадики, бунинг оқибатида ҳаётимиз хавф остида қолади. Фарзандларимизни доимо хавф-хатардан огоҳлантириб турмоғимиз лозим. Уларнинг келажакда мард, довжорак, ватанпарвар бўлиб етишишлари юртимиз равнақи учун катта аҳамият касб этади. Таниқли ижодкор, фуқаро муҳофазаси институти катта мураббийси, тиббий хизмат подполковниги Искандар Раҳмоннинг "Асра болам ўзингни" деган шеърий мажмуаси нашрдан чиқди. Ушбу мажмуа ёш авлодни хушёрликка чорлаб, ёшлигидан оқ сезгир ва зийрак бўлиш кераклигини уқтиради. "Мақтаб кутубхонаси" учун тавсия этилган бу китобчининг нафақат ўқувчиларга, балки ота-оналарга ҳам маъқул келишига ишонамиз.

Аксирши йўталишининг Шарқона одоби бор.

Шундай ҳолат берса рўй

Қўлингга ол дастрўмол —

каби сатр болаларни жамоат ўртасида ўзларини қандай тутишлари ҳамда одоб-ахлоқ каби шарқона урф-одатларни унутмасликка чорлайди.

Гулчеҳра КАРИМОВА



Оламни билишга, унинг моҳиятини англашга, ақлу тафаккур қалити ила дунё сир уасро-ри кулфини очишга интилиш, ҳаётдаги турли қарама-қарши кучларга тик туриб, ўзининг ҳаққоний фикрини айта олиш — кишиларга маънавий озуқа бериш учун ўзини муттасил изла-нишга, риёзат чекишга, тинимсиз меҳнатга сафарбар этиш — олимлик ёхуд шоирлик қисмати-дир.

Юқоридаги фикрларни яқинда Абдулла Қодирий номидаги

ХАНГОМАЛАР ЁЗГАН ДРАМАТУРГ

Халқ мероси нашриётида нашрдан чиққан Дилбар Муҳаммадалиеванинг "Хайдар Муҳаммад: ... ва хангомалар ёзганман" номли китобидан ўқиш мумкин.

Хайдар Муҳаммадни кўпчилик шоир сифатида билса, яна бошқалар истеъдодли драматург деб билдилар. У кишининг 150 дан ортиқ шеърлари кўшиқ қилиб қўйланган. Ўзбекистон Халқ шоири Миртемир, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Саид Аҳмадларнинг оқ фотихаси билан адабиётга кириб келган Ҳ.Муҳаммад бугун ҳам устозлар ишончини оқлаб, баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг "Тошкентнинг нозанин маликаси", "Жинойат устида ушлансин" каби асарлари кўпгина танловларда совриндор бўлган.


"Хайдар Муҳаммад: ... ва хангомалар ёзганман" деб номланган китобда ижодкорнинг устозлари, у киши яратган асарлар, ҳажвиялар, куй басталанган шеърлари қатор тартиб билан берилган.

Китобни варақлар экансиз, муаллиф ушбу асарни нашрга тайёрлашда жуда кўп изланганлигини биласиз. Китобхонлар эътиборини тортиш мақсадида саҳифанинг юқори қисмига адибнинг асарларини, пастки қисмига адиб ҳақидаги мақолалар, асарларига ёзилган тақризлар, у киши билан ўтказилган суҳбатларни жойлаштирган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп қиррали ижодкорнинг публицистика жанридаги материаллари ҳали тўплам ҳолида нашр этилган эмас. Китобдан Ҳ.Муҳаммад публицистикаси ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети аспиранти бўлган Д.Муҳаммадалиеванинг ушбу салмоқли, илк адабий-илмий иши кенг китобхонлар оммасини қизиқтириши табиий.

Шарифа МУРОДЖОН қизи



Давлат тест маркази томонидан нашрга тайёрланган ўқув юртларига кириш учун тест саволларини ўзида мужассам этган Ахборотноманинг навбатдаги

АХБОРОТНОМАЛАРДА

7-ва 8-сони нашрдан чиқди. Унда ўзбек тили ва адабиёти, инглиз, немис, француз тиллари, тарих, математика, физика, биология, кимё, география фанлари бўйича тест материаллари ўрин олган.

Ахборотноманинг 7-сони муқаддимасида география фани бўйича 2001 йил тест натижалари ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Мавжуд хулосаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, 2001 йилда география


фани блоклари ва барча бўлимлари бўйича тўғри жавобларнинг салмоғи ниҳоятда паст бўлган тест топшириқлари аниқланган. Мазкур тест топшириқлари ва уларнинг муқобил жавоблари таҳлили ўрта мактаб, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида география фанларини ўқитиш методикасига ва бошқа йўналишларида оид муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва уларни тез-орада бартараф қилиш йўллари топишга доир

тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этади.

Шунингдек, Ахборотноманинг 8-сонида "Мукамал билимга интилиб" сарлавҳаси остида олий ўқув юртларига кириш учун физика фанидан ўтказилаётган тест синовлари натижалари хусусида мутахасссларнинг муайян мулоҳазалари келтирилган. Унда таъкидланганидек, физика фанидан нисбатан паст кўрсаткич "Нисбийлик назарияси асослари", "Электромагнит тўлқинлар", "Элект-

ромагнит индукцияси" бўлимларида аниқланган. Бунинг асосий сабаби, мактаб ўқитувчиларининг шу бўлимлардан савияси пастлиги, кўргазмали қуроолларнинг етишмаслиги, лаборатория ишлари ва физика амалиётининг ба-жарилмаслиги, қолаверса, техника воситалари учун материалларнинг камлиги билан изоҳланади.

Республикамиз олий ўқув юртларига кириш иш-тиёқида юрган ёшлар Ахборотноманинг навбатдаги сонларини ўқиб, ўз билим



ва қобилиятларини яна бир қарра синовдан ўтказишга ва тест саволларига мукамал тайёргарлик олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Ta'lim jonkuyarlari

Китоб шина-вандалари икки тоифага бўлинади. Бири муқовасининг нафис ва чиройлилиги, ноёблигига қараб китоб йиғадиган, шинам жавонларга назарга ташланадиган қилиб тегиб кўядиган, баъзан хуши келганда секин варақлаб кўриб, чангини артиб кўядиган тоифа. Иккинчи тоифа янги китоб чиқдими, толиб ўқимаса кўнгли жойига тушмайди. Вақтли наشرларни мутолаа қилмаса ўзини йўқотиб кўядигандек ҳис эта-



Амон ака суҳбат орасида И.Эренбургнинг "Қишлар, йиллар, ҳаёт", А.Мариенгофнинг "Ел-

булар совға-салом бўлса керак" деб ўйлашган. Лекин қопда Амон ака учун ҳамма нарсадан қимматли бўлган китоблар бор эди.

— Эркин Воҳидовнинг "Муҳаббат" деб номланган китоби нашрдан чиққанини эшитиб, Бухоро шаҳридаги барча китоб дўконларидан қидириб топа олмадим, — дея хотирлайди Амон ака. Ниҳоят излаб-излаб Ромитан туманидан топдим.

Амон ака суҳбат орасида И.Эренбургнинг "Қишлар, йиллар, ҳаёт", А.Мариенгофнинг "Ел-

КИТОБ УНИНГ
ЖОНУРИЛИ

ди. Амон Зарифов иккинчи тоифадаги китобхонлардан. Унинг шахсий кутубхонасида ўн бир тилда, салкам ўн минг нусха китоблар борлиги, фаол китоб тарғиботчиси сифатида Москва, Санкт-Петербург, Новгород, Душанбе, Бишкек шаҳарларида бўлганлиги, китобсеварларнинг кўплай республика анжуманларида қатнашганлиги фикримизнинг далилидир.

Амон ака алоҳида хонани кутубхона учун ажратган. Тўрт девор китоб жавонларидан иборат. Қайси китобни қўлингизга олманг, уни Амон ака ўқиб чиққан, мазмун-моҳиятини англаб етган, муайян муносабат ва таассуротга эга. Қолаверса, ҳар бир китобнинг олиниш тарихи бор. Уларни Амон ака 60-йилларда Тошкент Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультетида ўқиб юрган, Бухоро туманидаги 1-мактабда ўқувчиларга дарс берган, Бухоро тумани ва Галаосиё шаҳрида маданый-маърифий соҳаларда масъул лавозимларда фаолият кўрсатган, туман ХТБ услубхонасини бошқарган кезларида, қўйингки, 34 йил мобайнида ўқувчилар билан ишлаш, улар орасида бўлиш, таълим-тарбия билан шуғулланиши давомидида тўплаган. Ҳарбий хизматни қўриш қисмларидан бирида ўтаб, дурустгина пул ишлаган А.Зарифовнинг 3-4 та қоп билан қайтганини кўрган ҳамқишлоқлари, ота-онаси "Ҳойнаҳой,

ғони йўқ роман" (С.Есенин ҳақида) китобларини қарийб 20 йил қидирганини айтиб ўтди. Бундан ташқари, бу зиёли инсон салкам ўн йил мобайнида Галаосиёдаги иқтидорли болалар мактаб-интернати педагогик жамоасига раҳбарлик қилмоқда. Маърифатпарварлик, ҳамиша излаш, ўқиб-ўрганишга иштиёқ ва ташналик мазкур таълим муассасидаги муҳит, ислохотлар жараёнининг бориши, янги педагогик технологияни фаолиятга татиқ этишда бош омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирга қадар бу даргоҳни битирган 280 нафардан ортиқ ўқувчининг аксарияти мамлакатимиздаги турли олий ўқув юрталарига ўқишга кирганлиги замирида ҳам аҳил жамоанинг серзаҳмат меҳнати мужассамдир. Амон аканинг билимдонлиги, бой ҳаётий тажрибаси "Адаб сабоқлари", "Исмлар уммонида", "Фидойи" сингари китоблари, вақтли матбуот саҳифаларида босилиб чиққан юзлаб мақолаларида ҳам ўз аксини топган...

Сирасини айтганда, ҳаётининг 60-баҳорини қаршилаётган, дўстлари, ҳамкасбларининг қўлловларига сазовор бу дилкаш инсонни бугунги кунда эл-юрт меҳри, ардоғига муяссар этган, кадр-қимматини ўрнига қўйган, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзигулик даражага етказган ҳам ана шу жиҳатлардир.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ
"Маърифат"нинг махсус муҳбири.

ҲАМ ЖУРНАЛИСТ,
ҲАМ МУАЛЛИМ

Болалигидан журналистика соҳасига меҳр қўйган Маҳмуда опа ўз орзусини амалга ошириш учун мактаб чоғлариданоқ астойдил киришди. У ўқувчилик йилларида бошқа фанларга нисбатан адабиётга ўзгача бир иштиёқ билан ёндашарди. Шу сабаб бўлса керак, анча-мунча шеърлар ёзишни ҳам уйддалади. Ана шу беғубор ниятини рўёбга чиқариш мақсадида Маҳмуда Мурзаева Тошкент Давлат Университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетига ўқишга кирди. Дарҳақиқат, талабалик олтин даврга қийёсланиши бекор эмас. Боиси, олийгоҳда ўқиш вақтида опа ўша ёшлигидаги орзуси-журналистика билан боғлиқ амалиётга жиддий ёндашди ва кўплай телекўрсатувларда иштирок этди. Шунингдек, олийгоҳни тамомлагач дастлаб, Чилонзор туманидаги 131-мактабда ўзбек тили ва

адабиёти фанидан болажонларга сабоқ бериш билан илк фаолиятини бошлаган Маҳмуда Мурзаева, сўнгра Тошкент Давлат 2-Тиббиёт институтида талабаларга дарс берди. Излаган имкон топар, деганларидек, у ўз мутахассислик фаолияти билан журналистик фаолиятни

КАМТАРГА КАМОЛ

Халқимизда "Камтарга камол, манманга завол", деган чиройли мақол бор. Шу ибратли сўз атрофида катта ҳаётий маъно ва мазмун шаклангани ҳеч кимга сир эмас. Худойберган Айтбеков ёшлигидан ўзининг тиришқоқлиги, зехнлилиги, талабчанлиги билан бошқалардан ажралиб турди. У ўзининг ташкилотчилиги ва ишга бўлган қизиқувчанлиги орқасидан ҳурмат қозонди. Жамоатчилиги унга қандай топшириқ бермасин, ишни пухта, сидқидилдан бажаришни ёқтиради. Мактабда илмий мудир, кейин эса анча вақт директор бўлиб ишлади. 18 йил мобайнида Куйи Чирчиқ туман халқ таълими бўлими мудирлиги сифатида кадрлар билан ишлаш, айниқса, мактаб раҳбарларини жой-жойига қўйиш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш ўқитувчилар дарсларини кузатиш ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатиш борасида эътиборга молик ишларни амалга оширди. Буни айтиш осондек туюлади, албатта.

Худойберган ака ҳозир пенсияда, қарилик гаштини сурапти. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан жорий йилнинг "Қарияларни қадрлаш йили" дея эълон қилинганини эшитиб, Худойберган аканинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Зеро, бу хабар уни туман халқ таълими бўлимидаги ҳамкасблари билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга, нафақадор бўлса-да, маслаҳатлари билан ўртоқлашишга ундагандек бўлди.

— Туманимизда илк бор 1997 йили туман ХТБ ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан лицей-интернат ташкил қилган эдик, — дейди у. — Ушбу ўқув даргоҳида ўқувчилар тест асосида қабул қилиниб, таълим учта йўналишда олиб борилишига эътибор бердик. Уларнинг яхши билим олишларига барча шарт-шароитлар яратилди. Шу кунларда ўқувчилар фан сирларини яхши ўзлаштирмоқда. Ўзим пенсияда бўлсам ҳам, тез-тез лицей-интернатга, мактабларга бориб, устозлар билан мулоқотда бўлиб тураман.

Худойберган акани туманда устоз деб эъзозлашади. У ишлаган йиллари 10 та замонавий мактаб, 2 та боғча ҳамда 2800 ўринли кўшимча синфхоналар қурилди.

Халқ таълими соҳасида 40 йилдан кўп ишлаган Худойберган ака оиласи, тумандаги "Она ва бола" даволаш масканининг бош шифокори Ибагул опа билан 2 ўғил, 4 қиз тарбиялаб, вояга етказди. Фарзандлари ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Рисбой АНОРБЕКОВ,
журналист

2002 йил—Қарияларни қадрлаш йили

ЖАФОКАШ
МУАЛЛИМ

Элимиз орасида оддий, жафокаш инсонлар кўп. Уларнинг ҳаётини синчиклаб ўргансанг, ўзинг учун олам-олам сабоқ оласан. Ана шундай — ҳаёти мисли китоб инсонлардан бири Бухор Юсуповдир. Бу инсон иш фаолиятини заводда оддий ишчиликдан бошлаган ва ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида сирдан таълим олган. Шу соҳада билимларини ортириш учун 1969 йили Фузор тумани Ички ишлар бўлимида ишлаган. 1995 йилдан эса Бухор Юсупов ўзининг педагогик фаолиятини 1-сонли мактабда бошлаган. Домла республика ҳуқуқати томонидан юрт келажаги равнақи йўлида қабул қилинаётган ҳар бир қарорларга, чиқарилаётган фармонларга ўз муносабатини билдириб, ўқувчилар онгига ижобий маънода чуқур таъсир ўтказа олади.

Бухор Юсупов ҳозирда ҳам ҳормай-толмай ёшларга Ватанимиз тарихини ўргатиш воситасида уларнинг миллий ўзлигини танишлари, боболар меросига, Ватан тақдирига бефарқ бўлмасликни сингдириб келаётган фидойи муаллимларимиздандир. Бу ишларнинг барчаси Ватанимиз учун, халқимиз фаровонлиги учун ҳақиқий фидойилик намунаси ҳисобланади.

Ҳ.Тўраев

ҳам бақамти олиб борди. М.Мурзаева Ўзбекистон телевидениесининг "Маърифат" студиясида адабиёт фанига оид ўқув кўрсатувида, "Абитуриентлар сизлар учун", "Тест синовларига тайёрмисиз?" кўрсатувларида муаллиф ва бошловчи сифатида иш юроти. 2002 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасида ташкилий ишлар бўлимининг бош мутахассиси сифатида меҳнат қилиш билан уйғун ҳолда "Қизлар давраси" кўрсатуви муаллифларидан бири сифатида ёшларимизнинг маънан етук, баркамол инсон бўлиб етишишлари ҳамда уларнинг истеъодларини халқимизга танитиш мақсадида иш олиб бормоқда

Мадина ШУКУРОВА

Отаси она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлган қиз 1953 йили Собир Раҳимов туманидаги 119-мактабнинг 8-синфини битирди ва тиббиёт билим юртига ҳужжатларини топширди. Билим юртини 1956 йилда имтиёзли диплом билан тугатган Робия доришунос мутахассислигини олди.

Она хотираларини шундай эслайди: "Кўпинча ўқидан қайта-ётганимда кўчамиздаги болаларнинг ўйинларини томоша қилиб, уларда кечаётган руҳий ҳолатларни кузатиб таажжубланардим. Беғубор кўнгли кичкинтойларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини қизиқиб таҳлил қилардим.

Отам муаллимлиги учунми ёки болалар ички дунёсини билишга

Талабаларга билим берувчи, уларни етук мутахассис қилиб тарбияловчи киши изланувчан, янгилик яратувчи, тиниб-тинчимас бўлмоғи даркор. Робия опа ҳам ўз билимини мустаҳкамлаш, педагогика соҳасини чуқурроқ эгаллаш мақсадида 1967 йилда Киев Давлат университети аспирантурасига ўқишга кирди. У 3-7 ёшли украин ва ўзбек болалари психологиясини ўргана бошлади. «Мактабгача ёшдаги болаларнинг кулиги нарсаларни идрок қилишининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусидаги илмий ишини 1972 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди.

1974 йилдан 1996 йилгача опа А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини

БОЛАДЕК
БЕҒУБОР ОПА

бўлган кучли истакми, мени 1956 йилда Тошкент Давлат педагогика институтининг мактабгача тарбия факультети кечки бўлимига етаклаб келди.

Сўнгра ўқиш, билим олиш жараёнида тўғри касб танлаётганимга ишонч ҳосил қилдим. Бу даргоҳда ўтиладиган барча фанлар шахс оламининг серқирра томонларини назарий жиҳатдан ёритиб берарди. Айниқса, болалар психологиясини жуда қизиқтириб, кўпроқ ўрганишга, китоб варақлашга ундарди. Ўша даврларда психология фанидан ёзилган бирорта ҳам ўзбекча дарслик ёки адабиёт йўқ эди. Бизга бу фанни психология фанлари номзоди, доцент М.Воҳидов ўргатардилар. Ва биз у кишининг ҳар бир айтган сўзини ёдимизда сақлаб қолишга ҳаракат қилардик."

1961 йили Робия Тўрахонова институтни ҳам имтиёзли диплом билан тамомлади. 1958 йилдан 1960 йилгача соғлиқни сақлаш тизимида доришунос бўлиб ишлаган опа 1965 йилгача турли вазифаларда меҳнат қилиб, шу йилнинг январь ойидан Тошкент вилояти педагогика билим юртида мактабгача тарбия педагогикаси ва табиат билан таништириш методикасидан талабаларга сабоқ беришни бошлади.

ошириш ва қайта тайёрлаш институтида катта ўқитувчи, доцент, сўнгра кафедра мудирлиги бўлиб ишлади.

Р.Тўрахонова 25 дан ортиқ қўлланма ва рисолалар ёзган, услубий тавсиялар ишлаб чиққан, «Халқ таълими аълоҳисси»дир.

Опа билан суҳбатлашган одам у кишининг бағрикенглигини, кучли ирода соҳиби эканлигини билади. 4 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараф ўстирган Робия опа бугун уларнинг эъзозиди.

«Президентимизнинг 2002 йили Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилганликлари мени янада тўлқинлантириб юборди. Қариялари эл-юрт ардоғида бўлган давлатнинг фарзандлари баркамол, руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб етишади. Ёшлар кексаларни ҳар қанча ҳурмат қилиб, уларга иззат-икром кўрсатсалар, бир куни ўша меҳру муҳаббатлари ўзларига ҳам қайтади.

Боланинг руҳий оламини шакллантиришда ота-она, буви-бобонинг ўрни каттадир. Баркамол авлод тарбиялаш йўлида меҳнат қилаётган ҳар бир инсон болаларнинг кўнглига йўл топа олсин», дейди Робия Тўрахонова.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

ОПЕРАЦИЯ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Исроил бош вазири Ариэл Шарон барча ташқи талабларга қарамасдан, Фаластин Мухториятининг Рамаллох, Вифлеем, Женин ва Наблус шаҳарларидан кўшинларнинг олиб чиқилмаслигини айтди. Шунингдек, ҳозирда Исроил армияси олиб чиқилган шаҳарларига қайтадан жойлаштирилиши ҳам мумкин. Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес кўпи билан 2-3 ҳафтада операциялар тугатилишини айтди. Лекин мазкур операциялар чоғида 4 минг нафардан ортик фаластинликлар ҳибсга олинган бўлиб, уларнинг 121 нафари Исроилнинг "қора рўйхати"даги кишилардир.

Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб сафарга чиққан АКШ давлат котиби Колин Пауэлл эса бугун Ёсир Арофат билан музокаралар ўтказиб ватанига қайтади.



ХАТТОБ ЎЛДИРИЛГАНМИ?

Россия Федерал хавфсизлик хизматининг маълум қилишича, Шимолий Кавказда олиб борилган махсус операциялар чоғида Чеченистондаги жангариларнинг асосий етакчиларидан бўлмиш Хаттоб ўлдирилган бўлиши керак. Боиси, мана шундан сўнг маълум муддат ўтган бўлса-да, Хаттоб ҳеч қандай алоқага чиқмаган. Шунингдек, жангариларнинг ҳарбий ҳаракатларида ҳам унинг ўрни сезилмаган. Федерал хавфсизлик хизматининг бундай қарорга келишига сабаб, улар жангариларнинг ўзаро алоқаларида ўз раҳбарларидан бирининг ҳалок бўлганлиги ҳақида гаплашишганини эшитишган. Аммо Хаттобнинг ўлганлиги борасида авваллари ҳам маълумот тарқатилган, дея хабар беради "Интерфакс".



ГУМОНДОР УШЛАНДИ

Афғонистон хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакатда турган тинчликпарвар кучлар сафидаги аскарларга ҳамда мамлакат мудофаа вазири Муҳаммад Фахмиддин исбатан уюштирилган суиқасдда иштирок этишда гумон этилаётган жангариларни ҳибсга олдилар. Беш нафар киши Кобулда қўлга олинган бўлиб, уларга германиялик ва голландиялик аскарларга ракета ҳужуми уюштириш айби қўйилмоқда. Яна қўлга олинган 4 киши эса мудофаа вазири тушган кортеж Жалолобод шаҳрига етиб келганда, унга бомба улоқтиришган бўлиб, натижада 5 киши ҳалок бўлган ва 52 киши жароҳатланган.



ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛДИ

Халқаро "Гаага" трибунали томонидан ҳарбий жиноятлар қилишда айбланаётган Сербиянинг собиқ ички ишлар вазири Влайко Стоилькович ўз жонига қасд қилди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси. Ҳозирда Белград шифохонасига ётқизилган собиқ вазир тиркми ёки йўқлиги ҳақида шифокорлар хабар берадими. Сербия социалистик партиясининг вакили Ивиц Дачичнинг айтишича, "Гаага" трибунали билан ҳамкорлик қилиш борасидаги қонунни қайта кўриб чиқиш лозим. Унинг билдиришича, Влайко Стоилькович ҳеч қачон трибунал иштиёрига тушмайман, дея кўп маротаба айтган эди.



ГРУЗИЯ АСКАРЛАРИ ОЛИБ КЕТИЛДИ

Абхазиядаги вазият кескинлашгани боис, унга қўшни бўлган Грузия давлати баланд тоғлардан иборат Кодор дарасига ўз армиясини олиб келган эди. Аммо бу ҳол икки ўртада кучли низога сабаб бўлиши туфайли, БМТ расмий Тбилисидан дарҳол кўшинларини дарадан олиб кетишни талаб этди. Ўтказилган кўп томонлама музокаралар туфайли Кодор дарасини БМТ ва Россия тинчликпарвар кучлари назорат қиладиган бўлди. Кеча эса Грузия ҳукумати Абхазияга тегишли мазкур дарадан ўз кўшинларини тўла олиб чиқиб кетганлигини маълум қилди.



ВЕНЕСУЭЛАДА НАМОЙИШЛАР

Венесуэла пойтахтида ҳукуматга қарши ўтказилган намоийш вақтида 9 нафардан ортик киши ҳалок бўлиб, 80 нафарга яқин киши жароҳатланди. 150 минг нафар намоийшчилар президент Уго Чавеснинг ҳокимият тепасидан кетишини талаб этмоқдалар. "ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.



Молекуляр биология соҳасидаги америкалик мутахассис Дейввид Балтимор Нью-Йоркда, Гертруда Балтимор (Липшиц) ва Ричард Балтиморлар оиласида таваллуд топди. Дейввид бошланғич ва ўрта маълумотни давлат мактабида олди. Бу ерда унинг биология ва математикага бўлган қобилияти намоён бўлди. Ўрта мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари учун тузилган дастурга мувофиқ ёзни Бар-Харбордаги (Мэн штати) ўтхўрлар генетикасини ўрганувчи Жексон лабораториясида ўтказди. Бу ерда Пенсилваниядаги Сволтмор коллежини эндигина тамомлаган талаба - биолог Хауард М.Темин билан танишди.

1956 йили Балтимор ўрта мактабни тугатди ва кимёдан чуқур билим олиш учун Сволтмор коллежига ўқишга кирди. 1960 йили имтиёзли бакалавр дипломини олиб, Кембриждаги Массачусет технология институтини (МТИ)нинг аспирантурасига кирди. Орадан бир йил ўтиб, Нью-Йоркдаги Рокфеллер университетига ўқишини кўчирди. Бу ерда вирусология соҳасининг атоқли олимларидан Ричард Фрэнклин раҳбарлиги остида ишлади. Балтиморни, айниқса, ҳайвонлар ҳужайраларида вирусларнинг кўпайиш механизми қизиқтирди. 1964 йили Рокфеллер университетидан Балтиморга докторлик даражасини топшириш маросимида профессорлардан бири шундай деган эди: "Дейвдининг устозлари ва ҳамкасблари унинг материални тезда ўзлаштириб олиш ва умумлаштириш қобилиятини доимо алоҳида таъкидладилар".

1963-1964 ўқув йилида Балтимор тадқиқотларини МТИнинг биология факултети докторантурасида давом эттирди. Кейинга йили Нью-Йоркдаги Алберт Эйнштейн тиббиёт коллежи молекуляр биология кенгаши аъзоси бўлди. 1965 йилдан 1968 йилгача Ло-Жолл (Калифорния штати)даги биологик тадқиқотлар Слок институтида илмий ходим бўлиб ишлади. У институтида вируслар генетикасини экспериментал тадқиқ қилиш усулларини ҳамда меъёрдаги ҳужайралар ва вирус билан зарарланиши оқибатидаги шиж ҳужайраларига айланганлар ўртасидаги фарқ таснифини ишлаб чиққан олим Ренато Дулбукко билан учрашди. Дулбукко ўз тадқиқотларида агар меъёрдаги ҳужайралар ўсимини тўхтатишнинг физиологик механизми билан чекланса, шиж ҳужайралар тўхтатиб бўлмас кўпайишга қодир бўлади, деган хулосага келди.

1968 йили Балтимор МТИда микробиология адыюкт-профессорлигига эришди,

1969 йили "Вирусология журналин" ("Journal of virology") муҳаррири бўлди. Тирик ҳужайралардаги ген тизими репликацияси қандай содир бўлишини аниқлашга интилган Балтимор, полимиелит вирусларини бирламчи ўрганиш ишларини давом эттирди. У бу ҳол иштиёрий вирус тизими репликацияси тўғрисидаги умумий гипотезани шакллантиришга имкон беради, деб ҳисобларди. Бироқ, 60-йилларнинг охирига келиб репликациянинг бир неча тизимлари мавжудлиги маълум бўлди. Ўша вақтда Висконсин университетидан фаолият кўрсатаётган Темин айрим вирусларнинг (масалан, Пейтон Роус номи билан аталган Роус саркомаси вируси) оқсил қобиғида ҳайвонлар ҳужайраларининг ДНКсида вирус генларининг иккиланишини энгиллаштирувчи фермент мавжудлигини тахмин қилди. Темин бу гипотетик гени провирус гени деб атади. Роус саркомаси вируси нуклеин кислотаси рибонук-

Nobel mukofoti sohiblari

симпозиумда баён қилди. Иккала тадқиқотчи ҳам ўз маълумотларини 1970 йил июнида "Нейче" ("Nature") журна-лида эълон қилдилар. Тез орада улар Колумбия университети Рак илмий-тадқиқот институтининг директори, Теминнинг ашаддий танқидчиларидан бири ҳисобланган Соломон Шпигелман томонидан тасдиқланди. Кейинги 10 йил ичида қайтар транскрипция жараёни микробиологик тадқиқотларнинг марказий мавзуларидан бирига айланди.

Қайтар транскриптаза тўғрисидаги ишларини эълон қилганидан икки йил ўтгач, Балтимор МТИ биология профессори лавозимига тайинланди. Ўша вақтдаёқ у ҳамкасблари билан биргаликда эрипроцитларда мавжуд бўлган ва кислороднинг ҳужайраларга узатилишига жавобгар бўлган, ўтхўрларда

ги синдроми (ОИТС) касаллигини келтириб чиқариши аниқланди.

Балтимор тадқиқотларининг муҳимлиги унга Дулбекко ва Темин билан бирга онкоген вируслар ва ҳужайранинг генетик материали ўртасидаги ҳамкорликка доир кашфиётлари учун физиология ва тиббиёт соҳасидаги 1975 йилги Нобел мукофотининг берилиши билан тасдиқланди.

